

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2015-yil 15-may №20 (4315)

БАХТЛИ МАМЛАКАТДА ҚАДР УЛУФ, ХОТИРА МУҚАДДАС

Юртбошимиз Хотира ва қадрлаш қунига бағишланган тадбирда шундай сўзларни алоҳида таъкидлаб гапирдилар: “Мана шу бешафқат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир “улуғ доҳий” учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, “Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор кўрсам”, деб ҳаётдан кўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”.

Журналистика факултетининг сиртки бўлими талабаси эдим. Фалсафа фани мен учун энг қийин фанлардан бири ҳисобланарди, шунга яраша домлаимиз ҳам ўта қаттиққўл, талабчан эди. Биз ўша домлани “оқсоч домла”, дер эдик. Камтар, ўта талабчан бу домланинг нега оқсоч дейилишининг сабабини тушунмасдим.

Яқинда уруш қатнашчиси, филология фанлари номзоди, доцент Анвар Шомасудовнинг “Оловли йиллар хотираси” номли китобида ўша “оқсоч домла” ҳақида ўқиб қолдим. Авваллари камтарин домлани қаттиққўллиги, талабчанлиги боис ҳурмат қилган бўлсам, у кишининг урушда кўрсатган қаҳрамонлиги учун ҳурматим юз чандон ошди. Камтаринлигидан биз талабалар устознинг уруш қатнашчиси эканлигини ҳам билмаган эканмиз.

“Бу камтарин курулдош дўстим, ўзининг жанг жасоратлари ҳақида сўзлашни унчалик хуш кўрмайди”, деганди китоб муаллифи ҳамкасби ҳақида хотираларга

тўхталар экан. — Бир марта талабалар билан 9 май — Ғалаба куни муносабати билан ўтказилган учрашувда айтиб берганлари кечагидек эдимда:

“Уруш бошланмасидан олдин мен тарих факултетининг талабаси эдим, иккинчи курсни битириб фронтга кетдим. Уруш тугагач, учинчи курсдан ўқишни давом эттирдим. Талабалик йилларим ўн йилга чўзилди. Навбатдаги катта ҳужумлардан бирида душман позицияларини дўзах ўти алангасида қолдирган артиллериямиз отишмалари сусайиши билан самолётларимиз гуриллаб кўкка кўтарилди. Биз танкчилар ёв устига шитоб билан ташландик. Ён-атрофимизда, оркамизда пиёда қисмлар оёққа турди. Танкларимиз душман оқолларини эзгилаб олға борарди. Лекин уруш талофатсиз бўлмайди, дегандек мен бошқараётган танк портлади, яраландим, сочларим бутунлай куйиб кетди.

Муносабат

Давоми иккинчи саҳифада.



Кўприклар келажакка элтади

“Юз марта эшитгандан бир бора кўрган яхши” дейишади. Пойтахтимизнинг Себзор ва Абдулла Қодирий кўчаларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларидан хабаримиз бор эди. 12 май куни янги кўприк очилибди, деб эшиттач, у ерга борганимизда кўрган манзара бурилиш кетаётган ушбу чорраҳанинг жуда тез фурсатда шу даражада ўзгариб, чиройли манзарага эга бўлишини, яшилликка бурканишини тасаввурга ҳам сиедиролмагандик-да. Худди эртақдаги сеҳргар бобо сеҳрли таёқчасини бир силкиб ҳамма ёқни ўзгартириб юборгандек...

Миллий меъморлик аънавалари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилаётган кўплав иншоотлар юртимиз кўрмига кўрк қўшмоқда. Ўтган йили айни шу пайтлар Шайхонтоҳур ва Олмазор туманларидан ўтувчи янги йўл қурилиши бошланиб, Беруний кўчасидан Хуршид ва Баҳор кўчалари чорраҳасигача янги айланма йўл қурилиши амалга оширилган эди. Энди эса шу трасса туташадиган Себзор кўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўчаси устида янги кўприк қурилди.

Ифтихор

Давоми иккинчи саҳифада.

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИБ

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

2014 йил, 15 — 16-май кунлари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти” мавзудаги Халқаро конференция мамлакатимиз илмий, маънавий ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Мазкур халқаро нуфузли илмий анжуманининг ўтганига бир йил тўлди. Анжуманда аждодларимиздан қолган улкан маданий-илмий мероснинг оламшумул аҳамияти, уни ўрганиш масалалари ўртага қўйилди, мамлакатимизда буюк меросимизни замонавий методлар асосида тадқиқ ва тарғиб қилувчи ёшларни тарбиялашга ҳам эътибор қаратилди.

Шу муносабат билан Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари марказида Самарқандда ўтган халқаро илмий конференциянинг бир йиллигига бағишлаб “Шарқ алломалари илмий, адабий меросини ўрганишнинг долзарб масалалари: тавсиф, таржима ва тадқиқот” мавзuida илмий анжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир доирасида ташкил этилган давра суҳбатида шарқшунос олимлар, тадқиқотчилар аждодларимиз меросини ўрганиш бўйича институтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб, режалар ҳамда тақлиф-истакларини билдирдилар.



Абдурахим МАННОНОВ, Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, филология фанлари доктори, профессор:

— Президентимизнинг Самарқандда ўтган Халқаро илмий конференциянинг очилишида сўзлаган маърузалари диёримиз ва чет эл илмий жамоатчилиги учун тарихий воқеа бўлди. Бу анжуман етакчи ўзбек ва хорижий шарқшунос олимларнинг самарали илмий ҳамкорлигини фаоллаштириш масаласини кун тартибига қўйди. Юртбошимиз маърузаси асосида республикадаги барча олий таълим муассасаларида талабалар учун махсус курслар ўқитилди. Шу ўринда мен соҳамиз ривожини учун яна бир катта магистрал йўл очиб бер-

ган муҳим ҳужжатни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси тузилмасини янада мақбуллаштириш ҳамда Республика академик илм-фани ва олий таълимнинг интеграциясини мустақамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Тошкент дав-

лат шарқшунослик институти ҳузурида Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалари маркази ташкил этилди. Демак, шарқшунослик соҳаси ривожини учун яна бир муҳим қадам ташланди. Дарҳақиқат, бу қарор Юртбошимизнинг: “Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқ-


чиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда”, деган фикрлари тасдиқи ва айни пайтда ижроси бўйича биз — шарқшунослар олдида долзарб вазифаларни қўйди.

Институт қошида ташкил этилган Марказ энди ўз салоҳиятини тўла намойён этиши, манбашунос, матншунос, тарихшунос, тилшунос, адабиётшунос ва файласуф олимларимиз Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари мутафаккир боболаримиз қолдирган ноёб илмий меросни замонавий методлар асосида тадқиқ этишлари, улар асосида бугунги ҳаётимиз учун зарур хулосалар, амалий тақлиф-тавсиялар беришлари керак. Бу ҳақда Юртбошимиз Самарқанд конференциясида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган эдилар: “Ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу — бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир”.

Давоми тўртинчи саҳифада.

ТАМАДДУН БЕШИГИДА

18 май — Халқаро музейлар куни



Сурхондарё воҳасидаги қадим ёдгорликлар билан ҳар сафар учрашганда юрагимни сирли ҳаяжон босади. Асрлар ҳикматини ўзида жо этган обидалар, миноралар археология осори атиқалари доно бахшилар мисол дўмбира чертиб, халқимиз тарихининг энг олис даврлари ҳақида дoston куйлаётганини ҳис этаман. Хаёлот тўлқинлари мени инсоният тамаддунининг энг кўҳна қирғоқлари сари бошлайди.

Давоми олтинчи саҳифада.

БАҲОР ВА ЁШЛИК

Баҳор фасллар келинчаги, гўзаллик тимсоли бўлса, ёшлик инсон умрининг энг чиройли, бахт ва шодликка йўрилган беғубор дамларини эслатади. Шунинг учун ҳам баҳор ва ёшлик сўзлари ўзаро уйкаш бўлиб, бир-бирини тўлдириб туради. Республика ёш опера ижрочиларининг “Ёшлик баҳори” кўрик-фестивалининг айни сўлим баҳор кунларида ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон миллий симфоник, камер, халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур анжуманининг мақсади ёшларни Ватанга муҳаббат ва фидойилик руҳида тарбиялашда опера санъатини ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодда юксак бадий дидни шакллантириш, санъатга қизиқишларини, ижодий фаоллигини ҳамда иқтидорини рағбатлантиришдан иборат.

Кўрик-фестивал

2014 йили биринчи марта ўтказилган “Ёшлик баҳори” фестивали бир босқичдан иборат бўлган. Бу йилги танлов эса икки босқичда ўтказилиб, ёш истеъдод эгалари тадбирга кенг миқёсда жалб этилди. Кўрик-фестивалда 18 ёшдан 32 ёшгача бўлган саксондан ортиқ ёш опера ижрочилари қатнашди.

— Жаҳон санъати дурдонаси ҳисобланмиш операга ёшларнинг фаол муносабати бизни жуда хурсанд қилди, — дейди анжуман ҳайъати аъзоси, танлиқ композитор Рустам Абдуллаев. — Айниқса, виолончеларимиз ёшлари орасида операга қизиқиш ортиб бораётгани миллий операмиз келажакка ишончли мустақамлайтиди. Бу, шубҳасиз, Президентимиз ва ҳукумати томонидан мусиқа санъатимизнинг барча йўналишларини ривожлантириш, истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани самарасидир. Айнан “Ёшлик баҳори” каби анжуманлар иқтидорли ёшлар истеъдодини юзага чиқариш, улар қалбида санъатга меҳр-муҳаббат туйғулларини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давоми бешинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ушанда 19 ёшли навқирон йигит эдим. Кейинчалик бу куйган сочлар ўрнига қайта оппоқ сочлар ўсиб чиқди. Галаба кунни аниқ ёдимда, госпиталда даволанаётган эдим. Ҳамма ярадорлар хурсанд бўлиб қалпоғини осмонга иритганда, мен сочсиз бошимга тангиб қўйилган оқ докани олиб осмонга отган эдим... "Бу ўша мен билган, мен ўзгача ҳурмат қилган, камгал фалсафа фани ўқитувчиси Абдулла ака Аюпов — оқсоч домла эди. Абдулла ака ёниб турган танк ичидан зудлик билан отилиб чиқишининг ўзи зўр бир мардлик ҳисобланмайдими? Иккинчи жаҳон урушида ана шундай мард ва жасур ўғлонларимиз мисли кўрилмаган қаҳрамонликлари туфайли урушда галабага эришдик.

Ҳа, домлаимиздек ўз юртини севган қанчадан-қанча аскарларимиз бу қиргинбарот урушда ватанга садоқатини,

ги фармонлар имзолади. Ана шу қонуний ҳужжатларга биноан республикамизнинг барча гўшаларида уруш ва меҳнат fronti фахрийлари билан "Жасорат, бурч, матонат" шири остида турли учрашувлар ўтказилмоқда. Барча ўқув муассасаларида ёшлар билан ўтказилаётган "Уч авлод учрашуви" "Тинчлик дарси", "Инсон қадри улғу, хотираси муқаддас", "Кексаларимиз ёшлар эъзози ва эътиборида" каби маънавий-маърифий тадбирлар ёши улғу инсонларнинг жамиятда, хонадонларимизда ўрни ва обрўсини янада оширмоқда.

1941—1945 йиллардаги уруш қанчадан-қанча инсонларнинг умрига зомин бўлди. Иккинчи жаҳон урушида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган. Ёки ўша пайтда халқимизнинг тахминан учдан бир қисми қўлга қурул олиб, жанг урушда иштирок этиб, мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган. Юрт-

шукроналик келтиришди. Аслида шукроналик ҳар бир инсон тафаккурида таққослаш, қийинчилик орқали вужудга келди. Кексаларимиз, нуруний отахону оналаримиз не-не кунларни бошидан ўтказмаган. Бобою момоларимиз фарзандларимизга, ўғил-қизларимизга эртақдай бўлиб туоладиган ўтмишни, машаққатли кунлар хотираларини айтиб бериш орқали ким эдигу ким бўлганимизни тирадорроқ англашимизга ёрдам беради. Ахир, инсон бахтсизлигини кўрмагунча ёнидаги бахтни ҳис қилиши даргумон. Бизнинг халқимиз ҳам мустақилликка эришгунча жуда кўп бахтсизликларни бошидан ўтказди. Халқимизнинг энг катта армони унинг неча-неча йиллар қарамлиқда яшагани эди. Шу боис бугун ҳар бир ҳаюрийимиз: "Озод, ҳур ва тинч, осийишта юрда яшаётганимдан ҳам бахтлиман", дея олади. Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда тадқиқот ўтказилди. Ана шу тадқиқотга кўра, Ўзбекистонимиз мазкур рейтингдаги 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.

Қачон инсон бахтли бўлади, қачонки унинг кўнгли хотиржам бўлса. Топаётган нони ўзиники бўлса ва ўзига буюрсан! Ана шу бахтга эришиш учун ота-боболаримиз бир умрга курашиб келди.

Яқинда матбуот саҳифаларида Абдулла Аюповнинг суратларини бир неча бор кўрдим. Тўқсондан ошган домлаиш хали-хали йигирма йил олдин кўрганымдек, тетик, самимий. Сочлари эса оппоқ, қордек оппоқ. Уларнинг урушда кўрсатган қаҳрамонликлари, урушдан кейинги йилларда қилган меҳнатлари учун ҳукуматимиз ҳар йили рағбатлантиради. Аммю Яратган эгам домлаимиздек мард, ватанпарвар инсонларни шундай кунларни кўриш, ҳурмату эъзадга бўлиш, қолаверса, тўқсондан ошиб юз билан юзлашишдек муқофот билан сийлаганининг ўзи бахт эмасми? Ахир, бошқаларнинг бахтини ўйлаб фидойилик кўрсатган кишилар энг олижаноб ва айна вақтда энг бахтиёр кишилардир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, умр бу оқар дарё, бу дунё ганимат. Шунинг учун ҳам урушда қурбон бўлганларни хотирлаш, биз билан ҳозирги кунларда ёнма-ён яшаётган уруш ва фронт орти фахрийларини қадрлаш, хонадонларимиз фариштаси отахону онахонларимизни эъзозлаш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Барно СУЛТОНОВА

КЎПРИКЛАР КЕЛАЖАККА ЭЛТАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Илгари бу чорраҳада иккита катта кўча кесилган-ди. Натижада автомобилларнинг ўтишида катта тирбандлик ҳосил бўлиб, йўловчилар вақти беҳуда сарф бўлишига олиб келарди. Эндилқда Абдулла Қодирий кўчаси тўрт қаторли қилиб кенгайтирилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу ерда эни 26, узунлиги қарийб 500 метр бўлган замонавий кўприк бунёд этилди. Авваллари Себзор кўчасининг автомобилларни ўтказиш имконияти 3200 автомобилни ташкил этган бўлса, 6 қаторли ушбу кўприк қурилиши натижасида бу кўрсаткич 9800 гага етди. Абдулла Қодирий кўчасида ҳам автомобиллар қатнови 2400 тадан 5600 гага ортди. Айниқса, катта чорраҳада светофорнинг йўқлиги автомобилларнинг тўхтовсиз ва ҳавфсиз ҳаракатланишига имкон беради.

Мана, кўприкнинг икки томонига пиёдалар учун қурилган ер усти ўтиш йўлининг биридан ўтпман. Эскалатордан юқорига қикдим. Ойнаванд хонадан атрофини кузатаман. Текис ва равоан йўлда ҳаракатланаётган машиналар, кўприк атрофида бунёд этилган фавворалардан ўйноқлаб тушаётган шалола, унинг ёнида ўтириб ҳордиқ чиқараётган одамлар, ўзига хос дизайнда экилган турфа гулу райхонлар, манзарали дараклар сизга ажиб кайфият улашади. Ҳатто ер усти йўлининг иккала чеккасига ўриндиқлар ҳам қўйилган. Сиз у ерда ўтириб шаҳар манзарасини томоша қилишингиз, ҳордиқ чиқаришингиз мумкин. Лифт, зинапола, эскалатор ҳамда офтоб ва ёнғингарчиликдан асрайдиган мосламаларга эга бу ер усти ўтиш йўли биз учун яна бир янгилик. Ундан ташқари пиёдалар энди чорраҳанинг тўрт тал томонига ҳам бемалол ўта оладиган Себзор кўчаси орқали 98 метрли яна бир ер усти йўлига ҳам барпо этилибди.

— Шу атрофдаги кўп қаватли уйлارнинг бирида яшайман, — дейди 72 ёшли отахон Муҳаммаджон Сарваров. — Биз баҳи кўп қаватли уйларида истиқомат қиладиган аҳоли учун бу ерда мўътадил иқлим яратилди. Учта фаввора қурилди, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғи олдидаги фаввора қайта қурилди. Айниқса, кечқурунлари юқори қаватдан бу ерлар жуда чиройли кўринади. Нафақагача "Ўзбекино" да ишладим. Қанчадан-қанча ҳужжатли филмлар яратмадик дейсиз. Машҳур Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби ижодкорларимиз, Ўзбекистон ҳақидаги филмларимиз бир неча бор экран юзини қўрди. Ҳужжатли филмлар аҳвида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги бир қанча филмлар сақланади. Бизнинг аввал ва бугун қандай ҳаёт кечирганимизни тарихга айланган ўша филмлар орқали билиб олса ҳам бўлади. Вилоятларни-ку кўя тураёлик, ҳатто пойтахтимизда ҳам йўлларнинг носоз бўлганини кузатамиз. Қўқон аравалар энсиз ва чанг йўллардан ўтаётганда йўловчиларнинг йўл четида қисилиб тургани, ўтиргани соя жой тополмаганининг гувоҳи бўласиз. Буларнинг

барчаси эндиликда тарихга айланди. Ҳозирги ҳар бир кунимизни ҳужжатли филм қилиб тарихга муҳрласанг арзийди. Баъзида мисли кўрилмаган даражадаги ўзгаришларни кўриб ўйлайман: қани энди менинг ёшлигим шу кунларга тўғри келсаю, юртимиз манзараларининг, бунёдкорликларининг янги картиналарга муҳрланишида иштирок этсам.

Фавворалар атрофида чопқиллаб юрган қизалоқлар, болақайлар, онахонларнинг қувончини, шукроналигини аjoyиб филм қилса арзимайдими? Ахир, мана шу манзараларнинг ўзидек юртимиз тинчлиги, ободлигидан дарак бериб турибди. Ҳозир шу ерда ўтирган, ўтиб кетаётган истаган ҳаюрийимизни тўхтайтиб сўрасангиз барчаси бир овоздан Юртбошимизга раҳмат айтади. Атиги бир йил олдин бу ерга таширф буюрган киши ўзгаришларни кўриб ҳайратини аширолмастлиги табиий.

Ислом КАРИМОВ

Дарахт ҳам тирик жон. У соя беради, кўзни қувонтиради, соғлиқни мустаҳкамлайди, умрни узайтиради. Дарахтни севиш, асраш керак. Бу мутасадди ташкилотлар билан бир қаторда мана шу ерда яшаётганларнинг, бутун пойтахтимиз аҳолисининг вазифаси, бурчи бўлмоғи даркорлигини яна бир бор ҳис қиласиз.

фарзандларимиз. Соҳибқирон бобимизнинг айнан бунёдкорлик ишларига доир гапларини эсланг-а: "Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуриши, мусофир йўловчилар учун йўл устига роботлар бино қилиниши, дарёлар устига кўприклар барпо этилиши буюрдим." Хабарингиз бўлса Соҳибқироннинг буюк салтанати Дехлидан то Болқонгача қўзилган. Ана шундай минглаб чакиримга қўзилган йўлларнинг обод ва ҳавфсиз қилиши, ҳар бир шаҳарда кўркам бинолар барпо этиш ўша пайтлардаёқ ажодларимизга хос иш бўлган.

Ҳар қандай мамлакатнинг обод ва фаровонлигига унинг кўркам шаҳар ва қишлоқлар қиёфасига, аввало, унинг йўллари, кўчалари равоонлигига қараб баҳо берилади. Маълумотларга қараганда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юкларнинг 80 фоизи, йўловчи ташиш хизматининг 85 фоизи автомобил бўлиб транспорт хиссасига тўғри келади. Шунинг хисобга оладиган бўлса ҳаётимизда йўлларимизнинг ҳар томонлама қулай ва соз бўлишининг аҳамияти каттадир.

Йўлдан йилга, кундан кунга шаҳару қишлоқларимиз чирой очиб йўлларимиз равоонлашмоқда. Ахир, йўл қанча соз бўлса, борар манзилимиз шунчалик яқин бўлади. Қолаверса, ҳаётимиз фаровонлашган сари ҳаюрийимизнинг деярли барчаси ўз шахсий автоуловига эга бўлмоқда. Бу эса юртимизда машиналарнинг қатнови кундан-кунга қўшқандай, деган гап. Шунинг учун ҳам эндиликда йўлларни кенгайтириш, кўприклар қуриш, носозларни созлаш ишлари йилдан-йилга авж олмоқда. Мамлакатимиз тараққиёти таъмин этаётган бундай бунёдкорлик ишлари, яъни замонавий иншоотлар, хорижикидан қолишмайдиган ҳамма қулайликларга эга кўприклар халқимиз турмуш даражасини кундан-кунга юксалтирмоқда. Зеро, халқимизнинг савобли ишларидан бири — йўл қуриш, йўл созлаш, кўприк қуриш каби ўлмас қадриятлари тобад дилларни дилларга, кўнгилларни кўнгилларга боғлайди.

Б.БОТИРОВА

БАХТЛИ МАМЛАКАТДА ҚАДР УЛУҒ, ХОТИРА МУҚАДДАС

юртига эътиқодини кўрсатдилар. Эндилқда ана шундай мўътабар зотларни ҳурматлаш, уларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг руҳини кўтариш ҳар биримизнинг олий бурчимиз эканини тобора тирадорроқ англамоқдамиз. Жорий йил Юртбошимиз томонидан "Кексаларни эъзозлаш йили" деб номланиши ва Давлат дастурининг амалга оширилаётгани кексалар, фронт ва фронт орти фахрийларининг ҳаёт даражасини янада яхшиламоқда. Кексаларимизни эъзозлаш, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳатто йил 13 октябрда қабул қилинган "1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кўрайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони асосан уларни ижтимоий қийолаш, ҳусусан йилда бир марта санатория-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилгани, шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортақ пенсия, 105 миллиард сўмдан эъди нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Галабага бебаҳо хисба қўлган уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб равишда иззат-икром билан шарафлаш мақсадида "1941—1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941—1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан муқофотлаш тўғрисида"

дошларимиздан 500 минг нафари урушда ҳалок бўлган, яъни шунча оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қанчадан-қанча одамнинг бедарак кетгани, майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини бугун тарихий ҳужжатлар, маълумотлар исботлаб турибди. Юз минглаб ватандошларимиз меҳнат frontiда захмат чекканлари, ўзи емасдан, ўзи қиймасдан толган насибасини эвакуация қилинганлар ва фронтдаги аскарларга жўнатиб азоб-уқубат торганини бугун фронт орти фахрийларининг хотираларидан билиб олиш қийин эмас.

Уруш йиллари даври Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Шу боис юртимизда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ маълумотлар авлодлар фронт орти фахрийларининг хотираларидан билиб олиш қийин эмас. Уруш йиллари даври Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Шу боис юртимизда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ маълумотлар авлодлар фронт орти фахрийларининг хотираларидан билиб олиш қийин эмас. Уруш йиллари даври Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Шу боис юртимизда Иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ маълумотлар авлодлар фронт орти фахрийларининг хотираларидан билиб олиш қийин эмас.

Бугун қайси бир нуруний отахону онахонлар билан суҳбатлашманг, аввало, юртимиз тинч ва осийишта эканига

Дилафрўз ИСТАМОВА



Иъзор

Ҳар битта ўғитлари битта китоб бўлгуси, Майин жилмайишлари мисли офтоб кулгуси, Улар сабаб қалбимда улғай юрт туйгуси, Бахтли бўлгум, бобомдан напад эшитганда ҳатто, Бувимнинг хислатларини эта олсам танга жо.

"Жон болам" дейишига жоним берса арзийди, Ҳар битта имосига тайёр турсам арзийди, Минг баҳорда ёнма-ён даврон сурсам арзийди, Бахт ҳис этгум, бобомдан бир амалин ўргансам, Бувимнинг алласио бир маталин ўргансам.

Ҳа, мен шундай бахтлиман, бахт оларман бахтлиман, Улар менинг шахдидир, шахд оларман шахдидан, Йилга тенг улар ила ўтган лаҳза вақтим ҳам, Бахтлиман мен, уларни эъзозламоқда олам, Бахтим бўлур зиёда қадр этиб яшасам!

Д.ИСТАМОВА 1999 йили Бухоро вилоятида туғилган. Шофиркон педагогика коллежи талабаси. "Қалбим садоси", "Ёшлиқ сурури", "Бахтли болалик" шеърлий тўпламлари чоп этилган.

ЭЪЗОЗ

Сўранг мендан бемалол қайда жаннат жилоси, Энг ширин, тотли ҳаёл, самимият қиёси, Умр йўлни ёритар кўнундаги зиёси, Бахт ҳис этгум, бобомнинг нур юзига боққанда, Бувимнинг бол сўзлари дилга олов ёққанда.

Улар эккан боғларда сайр этиб тўймасман, Ҳар ишни бошласам ҳам дуо олмай қўймасман, Гарчи тўлин оймасман, гарчи тошқин соймасман, Лек бахтим бор бобомнинг, чехрасидан завқ олсам, Бувимнинг дуосидан шиддат олсам, шавқ олсам.

Сарвар МАМБЕТОВ олган сурат



НАСАБИГИЗНИ УНУТМАНГ

Шу йил ўн учга тўладиган қизим мендан "Ойижон, оиламиз шажарасини биласизми?", деб сўраб қолди. "Йўқ", деб жавоб бердим. Қизим: "Келинг, оиламиз шажарасини тузиб чиқамиз", деди. "Йўқ-е, ахир, оиламизда бобондан ёши катталарни билмаймиз-ку", дедим қулиб. У бўлса сўзида қатъий туриб олди: "Келинг, бобомдан оталари ҳақида сўраб биламиз, кейин келган жойидан шажарани ёзишни биз давом эттираемиз", деди. "Нега бунчалик шажарага қизиқиб қолдинг", дедим: "Менинча, ҳар бир одам ўз ажодларини ёддан билиши керак. Улар ким бўлган, қандай ишларни амалга оширган, ўздан қандай ном қолдирган? Барча оилаларда келажак авлодлар учун эсдалик бўлиб қоладиган ўз шажараси ёзиб

борилиши лозим. Шундагина биз ёшлар ажодларимизни, авлодларимиз эса бизларни яхши танишди ва ёдларида сақлашди", деди.

Сўхбатимиздан сўнг оталари ҳақида сўраб-суриштириш учун қизим билан бобомизнинг ёнларига бордик. Ниятимизни уларга тушунтирдик. Бобом шундай ҳикоя қилиб берди: — Отам 1907 йили таваллуд топган, 1942 йили ўттиз беш ёшида икки ўғил ва бувингни ташлаб урушга кетган. Германияда урушдан сўнг, уларни Япониядаги урушга жўнатишган. Маҳалладошлар орасида урушдан қайтганлардан отам энг охири келганлардан эди. Уруш қулфатларини мардонавор енгиб иссиққина гўшасига — оиласига қайтаётган отамни маҳалла бошида яшайдиган

бир таниши совуқ хабар билан қарши олган: Мухтор ҳамда Эркин исмли ўғилларининг бири сувга чўкиб, иккинчиси касалликдан вафот этгани ҳақидаги шум хабарни етказган. Урушдан ярим жон бўлиб қайтган отам икки ўғлидан жудо бўлганини эшитиб юраги тилкапора бўлади. Алам билан уйга ҳам қирмай, бир неча кун қаерларгадир бош олиб кетиб, сўнгра яна уйга қайтиб келади. Анчагача ўғилларининг ўлимида бувингни айбдор санаб юрган экан. Лекин ўша пайтда бувинларга ҳам жуда қийин бўлган. Ҳар бир киши учун мажбуран 20 сотиқдан ер ажратилиб, бугдойнинг ҳосилини етказиб бериш вазифаси юклатилган эди. Бувинг дала билан овора бўлиб бола-ларга яхши қарай олмаган. Уруш йиллари бундай қийинчиликлар, жудодликлар деярли ҳамма оилаларда содир бўлган.

— У киши уруш ҳақида сизга нималарни гапириб берган, — деб сўрадик. — Ҳар сафар у кишидан уруш ҳақида гапириб беришини сўраганимизда уйчан, маъюс бўлиб қоларди. Сўнгра: "Қўйинглр, болаларим, сўраманглр, уруш деганларни сизларнинг бошларингизга тушмасин", дер эди, холос, бошқа ҳеч нарса демасди.

Болалигимда қўлларидан ушлаб бирга юганимизда қафтларининг орасида нимадир қўлимга қаттиқ ботарди. Отамнинг қафтидаги ўша қаттиқ нарсани қимирлатиб ўйнашни яхши кўрардим. Жуда кўп ўйнаворсам: "Бўлди қил, тега, огрияпти", деб уришиб берадди отам. Кейин билсам қафтидаги тошдай нарса ўқ парчаси — осколанинг қолдиги экан. Устини эт қоплаб битиб кетган бу қолдиқ умр бўйи отамга "ҳамроҳ" бўлган.

Мулоҳаза

Мулоҳаза

Ҳалабадан кейин бизлар — олти фарзанд бирин-кетин дунёга келдик. Отам урушдан олдин ҳам, кейин ҳам — умрининг охиригача заводда ускуна тайёрлаб берувчи бўлиб ҳалол ишлаган. Афсуски, умри қисқа экан, бизларга ўхшаб нафақа пулини олиб, яйраб қарилқ гаштини суриш отамга насиб этмади... Бобом ҳикоя қилиб берган бу воқеаларни оилавий шажара дафтаримизга ёзар эканман, ҳақиқатан ҳам бу хайрли ишни бошлаганимдан хурсанд бўлдим. Чунки она юртимизни болаларимиз фидойиларча химоя қилишганини, оғир қийинчиликларни бошларидан ўтказишганини бугунги ёшлар билиши керак. Ҳар бир оилада шажара ва у билан боғлиқ хотиралар ёзиб борилса, бу ёш авлоднинг давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликни нималарни гапириб берган, — деб сўрадик.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. "Маънавият ва маърифат" марказида ўтказилган "Юксак маънавиятли авлод" фестивалининг вилоят босқичида ёш қаламкашлар Сабриддин Аслиддин, Зухра Аҳмедова ҳамда Дилнавоз Нажимова республика босқичига йўлланма олдилар.

НАВОЙИ. Навоий шаҳридаги "Меҳрибонлик уйи"да ўтказилган "Уруш, номинг ўчин жажонда!" деб номланган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фахрийлари ёш ижодкорлар уларга атаб ёзган шеърларни тингладилар.

Кармана, Қонимех ва Хатирчи туманларида "Жасорат, Бурч, Матонат" шири остида адабий учрашувлар, ёш мусавирлар кўргазмаси, шунингдек, фахрийларга эсдалик совғалари топшириш маросимлари бўлиб ўтди.

ФАРҒОНА. Ахборот-кутубхона марказида Мақсуда Эргашеванинг "Тақдир ҳикоятлари" романи тақдими ўтказилди. Шоира хотирасига бағишланган бу тадбир-

да "Олтин қалам" адабий тўрагаги фаоллари ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

Фаргона политехника институтида «Юрт келажиги» ёшлар кўрик-танловининг вилоят босқичи, институт қошидаги 3-академик лицейда «Китоб мўъжизага етаклайди» деб номланган адабий кеча ўтказилди.

САМАРҚАНД. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида шоира Кубарро Жавотованинг "Хур ниятиман" номли шеърлар тўплами тақдими ўтказилди. Шоиранинг қалб кечинмалари, ютуқлари ва камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

Ургут туманидаги Юқори қайроқли қишлоғида бўлган "Хотира ўйғонас гўзалдир" номли тадбирда ушбу қишлоқдан урушга бориб қаймаганлар, фронт ортида меҳнат қилган кишилар хотирланди. Ёшлар ва кекса авлод муносабатларидаги эзгу амаллар, юрт тақдирини учун дахлдорлик ҳисси ҳақида сўз юртилди.

Ахборот хизмати

Муяссар ИСЛОМОВА

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

МУСТАҚИЛЛИК
МАЙДОНИДА ҲИМНАДА

ТОЛЕ КУЁШИ

Бугун Аму бўлиб жўшим келади,
Аргумоқ от бўлиб учгим келади.

Навой, Бердақлар дoston битганда,
Бобур ватани тарк этиб кетганда,

«Оқ олтин»дан тодек уярдинг хирмон,
Олиб кетар эди уни ёт карвон,

Сенинг руҳингда бор мардлик, донолик,
Янги замон юксак бўлур парвозинг.

Дилда илҳом жўшар, юксалар хаёл,
Меҳр суви билан тўлгандек Орол,

Ўзбекистон — Қунчиқининг Чўлони,
Кўп қийин йўллардан ўтарсан ошиб.

«Кутлуг қадаминга ҳасанот!» дея,
Қон-қариндош халқлар кўл бериб кўлга,

ЎЗБЕКИСТОН

Сайр айлаб сахар овлоққа,
Кирдим бир ажойиб боққа,



Булбул билан сир сирлашдим,
Шамол билан шивирлашдим.

Булбул айтар: — Ушал бўстон
Ром айлади, бўлдим мастон,

Шамол айтар: — Сахро-даштдан
Келсам кўтариб чанг-тўзон,

Гул юзиндан шабнам томар,
Олма дарахти интизор:

Ишқомдан энгашган узум,
Шираси маст айлаб ўзин,

Тирик сатрлар

Сув бўйида Мажнун толи
Сарҳовузга сочин солиб,

Навойнинг урпоқлари,
Қўллариди тилло торни,

Шундай бир ажойиб бўстон,
Таърифласам, чексиз дoston,

ЖОНОН КЎРИНМАС

Менинг бахтим учун яралган дилбар,
Бир ўзиндан бошқа жонон кўринмас.

Бизни қўйиб булча ҳижрон доғига,
Бугун сен етишдинг шодлик чоғинга,

Эл ичинда сирим юртдан яшириб,
Ёлвораман оёғинга бош уриб,

Гўзал бордир гўзаллардан зиёда,
Кезарман йўлингда пойни пиёда,

ГУЛЛАР АНГЛАМАС

Тўладан айрилган тўрала гознинг
Фарёдини ойдин кўллар англамас.

Бировга — айрилиқ, бировга — сайрон,
Дунёнинг ишига қоларсан ҳайрон,

Қасдинг бордай шунча қийнаб жонимни,
Аёвсиз чертарсан кўнгул торимни.

Гул мавсуми ўтар баҳори-ёзи,
Бемаврид урмагай хазон аёзи.

МЕН ТОШКЕНТНИ
СОҒИНАМАН КЎРМАСАМ

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,
Булбулларинг тинглаб боққа кирмасам.

Бундан ўтар менинг барча йўлларим,
Баҳору ёз, майли қиш ё кўз вақти.

Барча маҳаллада меҳмон бўлганман,
Шайхантаҳур, Қўйлик, Эски Жўваси...

Баъзан ялинганмиз чойхоналарда:
«Ҳой, чой ташиб юрган укам, қароғим!

Мен Тошкентни соғинаман кўрмасам,
Ёзда анҳор бўйлариди юрсамам,

Йиғлаганман мен ҳам юртдай бўлиниб,
Кўриб зилзиладан қийраб қолганим.

Бу шаҳарнинг одамлари ўзгача,
Позик табиятли, ўткир зеҳли.

Бунда бой тилларнинг туркий таркиби,
Илму ҳикматларнинг гувоҳи тили.

Ҳар ким ниятига қараб иш кўрар,
Омад тилайман мен ишларингизда.

Мен Нукусдан Сизни излаб келмасам,
Келиб тангри саломини бермасам,

ТЎРТЛИКЛАР

Бир тукдан соч бўлмас, бир гуручдан ош,
Бир тукдан боғ бўлмас, тоғ бўлмас бир тош.

Ойна фақат кўрсатар сирт юзингни,
Сиртқи чирой — ялтйраган бир шуъла.

Кўча тўла одамлар ўтган экан,
Ниҳоҳларин сен тумон отган экан.

Булбулнинг асосий хунари — сайрон,
Такрор товушда сеҳрли пайрон.

Қорақалпоқ тилидан
Р.МУСУРМОН таржамаси.

И.ЮСУПОВ 1929 йилда туғилган.
Қорақалпоғистон Педагогика институти-
ни тамомлаган.

Умида АБДУСАЛОМ

МОВИЙ МЕХРЛАР

ВАҚИТ

Ҳаёт дарахтида митти япроқдек,
Шоҳларда тизилиб турибмиз қатор.

Ғанимат бу кунлар ўтиб бормоқда,
Сездингни, баҳорий насимлар тинди.

Кел, кулиб яшаймиз қолган кунларда,
Боқий андуҳларга бермасдан тутқич.

Чархланган қиличу алмисоқ кунда,
Муҳаббат тонгида балки тингайдир.

ОСМОНДАН РАИС ОЛАН...

Самога буй чўзган осмонранг гуллар,
Бағрига бош қўйиб, кўзимни юмдим.

Буй чўзиб осмонга тикилган гуллар,
Кўксим ёриб чиққан каби муборак.

Османий руҳ сизди томирларимдан,
Юрак эъзозиди такрорий дуо,

Осмондан ранг олган мовий санамлар,
Кўзлари толмайди кўкка интилиб.

Эгамнинг раҳмати каби ёғилган,
Ҳақни қуйлаб турган митти муҳрлар.

ЁМГИР

Ёмғир! Юрагимни олиб мўлжалга,
Аямай ёғясан жидду жаҳд билан.

Зарб ила урилиб тошга, тупроққа,
Бутун вужудинг-ла эриб кетясан.

Куйларинг қуйилиб кирди дилимга,
Ҳатто йиғлаясан тушларимда ҳам.



Биламан, шунчаки ёғмаяпсан сен,
Дунёда шунчаки биронта дард йўқ.

Ёмғир! Мен пойингда турибман қара,
Қошу кўзларимни силаб ўтпасан.

Сен ота маконинг тарк этиб ночор,
Тақдир пойларига ҳоксор чўккан тез.

У.АБДУСАЛОМ (ФАФФОРОВА) 1974
йил Самарқанд вилояти, Булунгур туманида
туғилган. ЎзМунинг журналистика факултети-
ни тамомлаган.

ШЕЪР ВА КЎНГИЛ
Тахририятга келадиган машқларга бир назар

Шеър қачон ёзилади? Нима учун ёзилади?
Ижодкор онгию руҳида кечган ижодий-ру-
хий жараённинг энг юксак нуқтасида,

Тахририятмизга йил бошидан то шу кунга
қадар келган мактубларни ўқиб шундай хуло-
са келдик: ҳар бир ижодкорнинг битта бўлса

Тахририятимизга йил бошидан то шу кунга
қадар келган мактубларни ўқиб шундай хуло-
са келдик: ҳар бир ижодкорнинг битта бўлса

Абдуллажон Тўғонов "Сой бўйида" деган шеъ-
рида ёзади:

Сой бўйида кутиб қолдим,
Ой — туморин тутиб олдим.

Ижодкор ўсмирнинг ёрини кутиб кетол-
май тол соясида, сой бўйида айлаиб юр-
ганини жиндек араз, бироз иддао билан тас-
вирлайди.

Абдусаттор Ғофуров "Капалак" деган шеъ-
рида қитмир капалакни шундай ифодалайди:

Капалаклар гулда қўнганча,
Бўса олиб туришин қўймас...

Бу сатрлар ўқувчига завқ беради, шеър ту-
гаганидан сўнг йўлга чўмасиз.

Ғижимланган қоғоз,
Сенга осонмас.

Аслида хатони қалам қилару,
Аммо...

дея кутилмаган ечим топади. Ҳаётимизда
шундай ҳодисалар ҳам учраб туради. Асли-
ни олганда қалам ҳам хато қилмагани бар-
чага аёнидир!

Иштихонлик Музроб Мўминов, наманганлик
Комилахон Жалолова, Қибрай туманидан Аб-
дурахмон Йўлдошев, Тошкент шаҳридан Баҳ-
ром Тожиев, андижонлик Турғунбой Холбоев,

Юртмизнинг олис тоғларида, қишлоқ-ша-
ҳарларида яшаб ижод қилаётган замондош-
ларимизнинг шеърларидан бир гулдаста ясаб,

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тахририятга
юборилаётган барча асарлар ҳам бугунги та-
лаб даражасида эмас. Биринчидан, аксарият

Иккинчидан, оддийгина шеър тизимидан,
вазн, шеъринг ўлчовлардан бебаҳра машқла-
рини юбораётган ёшларимиз ҳам бор. Маса-
лан, аруз вазнда битилган машқлар камдан-
кам ҳолларда газетада эълон қилиш даража-
сида бўлади.

Устоз адиб Асқад Мухтор таъкидлаганидек:
шоир учун асосий иш — кўнгул кўзи билан
кўриш. Қоғозга тушириш эса — касбдир.

Ёққан ёмғир сизларнинг кўз ёшингизми,
Эъзоз топмай эзгиланган бошингизми?

Навоийлик ижодкор Раззоқ Ҳакимий умр,
хаёт, ёшлиқ, муҳаббат, Ватан мавзуларидаги
шеърларини юборган. Бир ғазалида у айри-
ликда азоб чекадиган ошқ ҳолини гўзал таш-
беҳлар билан изҳор этади.

Эй, санам сен бир умр жонима жабр айладинг,
Кел, дедим, ёнима бир, сен эса сабр айладинг.

Фарғоналик ижодкор, Фурқат туманидаги
"Нафосат" ёш ижодкорлар тўғараги аъзоси

Назм ва наср бўлими

Лобар ОТАХОНОВА

ТОРАТИМДА ВАМАН БОР



Ошар, доводдан ошар,
Давру давронда яшар.

Йўлагиди чаман бор,
Тилагиди шон-шаън бор.

Номусига юкмас гард,
Сўзи ўктам, ўзи мард.

Фидо бўлсин жону тан,
Кечар ҳатто жонидан.

Келди куйлаш фурсати
Кўкка бўйлаш фурсати.

Илк танишув

ОНАМ УЧУН ЯШАЙМАН

Сўрадилар даладан:
— Сўйла, нечун яшайсан?

Сўрадилар куёндан:
— Сўйла, нечун яшайсан?

Сўрадилар кўкдан ҳам
— Сен-чи, нечун яшайсан?

Сўрадилар онадан:
— Нечун, нечун яшайсан?

Л.ОТАХОНОВА 1997 йил Хоразм вилоя-
ти, Шовот туманида туғилган. Дўстлик
касб-хунара коллежи талабаси.

Бошланиш биринчи саҳифада.

Зикр этилган қарор асосида институт таълим йўналишларида тааллуқли янги фанларни киритиш асосида ана шу қимматли материалларни ўрганишга етарли илмий ва ўқув-услубий таъминот ҳам яратилмоқда. Чунончи, янги очилган "Шарқ фалсафаси ва маданияти" номи таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш вазифасининг институт зиммасига юклатилиши ҳам ўтмиш аждодларимиз фалсафий ва маънавий меросини жаҳон фани ютуқларига таянган ҳолда қиёсий таҳлил асосида чуқур ва жиддий ўрганиш имконини беради. Шу ўринда марказ фондида сақланаётган фалсафага оид қўлёзмаларнинг фикристини тайёрлаш ва тадқиқ этиш бўйича янги илмий лойиҳанинг иш бошлаганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз, деб ўйлайман.

Конференция ўтганига, мана, бир йил тўлди. Шу вақт мобайнида Президентимиз томонидан қўйилган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Чунончи, шарқшунос олимларимиз оммавий ахборот воситаларида кўплаб чиқишлар қилишди. Институтда чоп этиладиган "Шарқ машъали" илмий журналнинг 2014 йил 2-сон илмомаларимиз ижодига бағишланди. Марказ фондида сақланаётган тошбосмаларнинг каталоги чоп этилди. Институтда 2015 йил 4 апрел куни Маҳмуд Замахшарийнинг 940 йиллигига бағишланган "Марказий Осиёда лексикология ва лексикография: аъёнлар ва хозирга замон илмий мактаблари" мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Бу анжумандар ва чиқишларнинг барчаси айнан Президентимизнинг шарқшунослар олдига қўйган вазифалар ижроси билан боғлиқдир.

Шарқ қўлёзмалар маркази фаолиятини такомиллаштириш, институт кафедралари фаолияти билан интеграцияни кучайтириш йўлида илмий йўналишлар, тадқиқот лойиҳалари фаолияти жиддий кўриб чиқилди. Давлат гранти асосида филология, фалсафа бўйича ҳамда термилик алломалар меросини тадқиқ этишда таъкидланган янги илмий лойиҳалар иши бошланди, Марказнинг янги концепцияси тайёрланди.

Бугунги кунда Марказ олимлари ва институт профессор-ўқитувчилари томонидан қўйилган йўналишларда иш олиб борилмоқда:

Шарқ қўлёзмаларини илмий асосда тавсиф қилиш йўналишида Марказнинг ЮНЕСКО ташкилоти "Маданий мерос" рўйхатига киритилган 26000 жилдан иборат қўлёзма хазинаси, 39000 дан ортиқ тошбосма китоблар, шарқ тилларида ёзилган бир неча минг тарихий ҳужжатларнинг электрон каталоги ҳамда электрон нусхаларини яратишни жонлантириш, мазкур манбаларни режали тарзда илмий асосда тавсиф ва тадқиқ қилишни кенгайтириш; Шарқ тилларидаги манбаларни илмий изоҳли таржима қилиш ва аслиятда нашр этиш; Шарқ фалсафасини манбалар асосида ўрганиш; Форобий, Киндий, Розий, Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Насриддин Тусий, Тафтазолий, Бедил ва бошқа кўплаб аждодларимизнинг асарларини таъбиҳ, тавсиф ва таржима қилиш; Шарқ мумтоз адабиёти ёдгорликларини тадқиқ ва нашр этиш; қўлёзма ва тошбосмалар асосида ўзбек ва форс тилидаги XV-XVIII асрлар таъриқлари, девонлари, турли даврларда ёзилган араб тилидаги насрий ва назмий асарларни тадқиқ ва таржима қилиш; Шарқ халқлари фани ва маданияти тарихини ўрганиш: ҳали илмий муомалага киритилмаган асарларни тадқиқ ва нашр этиш орқали тарихшунослик бўйича ҳам китоблар, ўқув қўлланмалар яратиш; тарихий ҳужжатлар тадқиқи; Марказ қўлёзмалар фондида сақланаётган 5000 га яқин тарихий ҳужжатларни тадқиқ этишни кенгайтириш.

Шу ўринда институт профессор-ўқитувчилари, шарқшунос олимлар томонидан Алишер Навоий асарлари тадқиқи учун муҳим асос бўладиган конкордансларни яратиш бўйича фундаментал лойиҳанинг бажарилаётганини айтиб ўтиш жоиз. Бу каби изланишлар натижалари мумтоз адабиётимиз бўйича янги тадқиқотларга йўл очади, ёш навоийшуносларни тарбиялаш, замонавий услубларда илмий изланишлар олиб бориш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Неъматулло МУХАМЕДОВ, Шарқ қўлёзмалари маркази директори, тарих фанлари номзоди, доцент:

— Истиклол шарофати билан мамлакатимизда тарихий-маданий меросимиз, аждодларимиз ҳаёт йўлларини ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Бу эса ёшларни маданий меросга қизиқтириши таъбиҳ.

Ўзбекистонда нодир қўлёзмалар ва қадимги босма китобларни сақлаш ҳамда тадқиқ қилиш мақсадида ҳукумат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилиб, грантлар ажратилмоқда, уларни бажаришда йирик манбашунос ҳамда матншунос олимлар билан бирга мустақиллик йилларида тарбия топан ёш олимлар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Хозирги кунда марказ илмий ҳодимлари 2 та фундаментал, 1 та ёшлар гранти ва 4 та амалий давлат грантлари бўйича изланиш олиб бормоқда. Жумладан, "Марказий Осиё халқлари ёзма меросини ўрганиш: манбашунослик ва матншунослик тадқиқотлари (Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази қўлёзмалари асосида)" фундаментал гранти доирасида марказ фондидаги Марказий Осиё тарихи, фани, маданияти, ислом дини тарихига оид илмий муомалага киритилмаган Шарқ тилларидаги ёзма манбаларнинг асл матнлари ва таржималарини нашр тайёрланади.

"Марказий Осиё этник тарихига оид шарқ тилларидаги қадимги ва ўрта аср манбаларидаги маълумотлар" мавзусидаги фундаментал грантда эса қадимги ва ўрта асрлар даврига мансуб хитой, сугдий, бактрия, қадимги хоразм, пахлавий, ҳинд манбаларидаги Марказий Осиё халқлари, биринчи навбатда, ўзбек халқининг этник тарихига оид маълумотлар тар-

жима қилиниб, махсус тадқиқотлар асосида ёзилган кенг шарҳлар билан чоп этилади.

"Абу Ҳафс ан-Насафийнинг "Таҳсил усул ал-фиқҳ ва тафсил ал-мақолат фиҳа "ала ал-важҳ" ("Усул ал-фиқҳни ўрганиш ва у ҳақда умумий қарашлар тафсилоти") асарининг матни ва илмий изоҳли таржимасини нашрга тайёрлаш" деб номланган ёшлар гранти Насафийнинг марказимизда сақланаётган дунёдаги ягона қўлёзмаси асосида амалга оширилмоқда.

Маълумки, Президент Ислам Каримовнинг Самарқандда бўлиб ўтган Халқаро конференциядаги маърузасида Шарқ фалсафаси йўналишида алоҳида тадқиқот олиб бориш кераклиги таъкидланган эди. "Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридagi Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланаётган фалсафага оид қўлёзмаларнинг тематик фикристини тузиш" амалий грантида Шарқ, хусусан, Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк алломаларнинг инсоният ижтимоий тараққиётидаги ўрнини ёритиш мақсадида марказда сақланаётган фалсафага оид қўлёзмаларнинг аналитик (кенгайтирилган) тавсифини тайёрлаш режалаштирилган.

Шунингдек, Шарқ қўлёзмалари маркази томонидан "Термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, асарларини таржима қилиш ва нашр этиш" амалий гранти устида изланишлар олиб борилмоқда.

Қосимжон СОДИҚОВ, филология фанлари доктори, профессор:

— Самарқанд Халқаро конференциясидаги Президентимиз Ислам Каримовнинг Шарқ алломаларининг тарихий мероси, унинг жаҳоншумул аҳамиятига бағишланган илмий маърузаси фанимиз тарихига, ўрта асрлар Шарқ цивилизациясига буткул янгича илмий ёнда-

Китобдан, биринчи навбатда, Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда улкан ижтимоий-сиёсий ва фалсафий таълимот яратган мутафаккир — Абу Наср Форобийнинг илмий меросига оид асарлар ўрин олади. "Муаллим асосий" ("Иккинчи муаллим")нинг онтологик ва космологик қарашларида пантеизм ва неоплатонизм ғоялари — борлиқнинг босқичлари (фаол ақл, жон, шакл, материя ва бошқалар)ни акс эттирувчи таълимотида алоҳида эътибор қаратилади.

Нашрга тайёрланадиган китобда Абу Али ибн Сино табиий-илмий қарашларининг аҳамияти, моддий олам тузилиши ва ривож ҳақидаги, космологик таълимотларига тааллуқли рисо-солари ўрин олиши назарда тутилган.

2015–2017 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг якуний натижаси сифатида Марказ хазинасидаги фалсафага оид қўлёзмалар тавсифларини ўз ичига олган тематик китобни нашрга тайёрлаш белгиланди. Айни пайтда, мазкур каталогнинг электрон вариантини тайёрлаш ва чоп этиш ҳам назарда тутилган.

Ўлдир ПУЛАТОВА, фалсафа фанлари номзоди, доцент:

— Бугунги кунга келиб, Фарб фалсафаси нисбатан ҳар томонлама ўрганилган бўлса-да, Шарқ фалсафаси ҳали етарли даражада чуқур тадқиқ қилинмагани сир эмас. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Биринчидан, европамарказчилик мафқураси таъсирида Шарқ маданияти, хусусан, Шарқ фалсафасига бепи-санд қараб келинди. Қолаверса, Шарқ тилларини чуқур биладиган, манбаларни ўрганиб таҳлил эта оладиган файласуф-мутахассислар-

нинг етишмаслиги, жаҳонда инсоннинг маънавий қамолоти масалаларини назардан четда қолдириш ҳисобига, кўпроқ фарбча прагматизм ва технократизм фалсафасининг ривожлантирилиши каби сабаблар ҳам шулар сирасидан. Ваҳоланки, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида жаҳон цивилизацияси тараққиётини белгилувчи омилар Фарбдан Шарққа кўчганлиги, Фарб цивилизациясида юзага келган ахлоқий муаммолар ечимини топиш мақсадида шарқшуносликка, хусусан, Шарқ халқлари тарихи, маданияти, фалсафасига мурожаат ва уларни ўрганишга қизиқиш ниҳоятда ортди.

Шу ўринда, фанда ҳали охиригача ечими топилмаган бир қатор муаммолар мавжудлигини ҳам қайд этиш лозим. Шарқ фалсафасига нисбатан, унинг "иррационал, интуитив, диний, мистик характерга эга" эканлиги ҳақидаги фикрлар орқали шаклланган янгилик стереотипларни ўзгартириш вақти келди. Бугунги кунга келиб, маънавий меросимизни чуқур таҳлил этиш учун тўла имкониятлар яратилди. 2001 йилдан бошлаб Тошкент давлат шарқшунослик институтида шарқ тиллари-дан бирини биладиган файласуф бакалавр ва магистрларнинг тайёрланаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Жаҳон фалсафаси, хусусан, Шарқ фалсафаси қадриятлари асосида ёшларда фалсафий мушоҳада қўник-маларини шакллантиришни зулқисси таълим тизимига киритиш, назаримизда, миллий менталитетимизнинг миллий тараққиёт-гояси асосида янада юксалишига хизмат қилади. Чунки айнан Шарқ фалсафаси-да қадимдан табиат ва инсоният ҳамиятининг ўзаро уйғунлиги, инсон табиатининг бир бўлаги, шу билан бирга гултожи, маънавий баркамоллик кишилар, шунингдек, инсон ва табиат ўртасидаги барқарор муносабатларни таъминловчи буюк қадрият эканлиги, ахлоқ, нафосат, инсонпарварлик, вазиимлик, бағрикенглик, мутаносиблик (гармония) каби қадриятларнинг ўзаро узвий алоқадорлиги, билиш ва илм олишни инсонини бахт-саодатга етакловчи асосий йўл деб қараш Шарқда, хусусан, Марказий Осиёдаги барча фалсафий таълимотларга хос бўлган.

Ушбу ғоялар бир неча ўн асрлик тарихга эга бўлишига қарамай, шахс ва ҳамият учун ўзининг аҳамиятини йўқотмаган. Бугунги кунда айнан шундай фалсафий қадриятлар асосида ёшларни эркин фалсафий тафаккурга ўргатиш, уларни турли шаклардаги ташвиқотларга, фантатизм, ақидaparacстик, экстремизм, сабрсузликка қаршилик кўрсатишига, ҳозирги дунёнинг турли таҳдидларига қарши туришига, ҳамият ва башариятнинг барқарор ривожланиши учун масъулигини англашга хизмат қилади.

Қудратилла ОМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент:

— Самарқанд шаҳрида ўтказилган Халқаро илмий конференциядаги Юртбошимизнинг дастурий маърузаси шарқшунослик соҳасида жиддий бурилиш нуктаси бўлди. Анжуман бўлиб ўтган мухташам саройда Юртбошимиз нутқини тинглашга муяссар бўлган кейинги илмий фаолиятимиз тубдан ўзгартирди.

Хозирги кунда ўзбек давлатчилиги тарихида кенган салтанатларнинг бошқарув тизими, қонунчилиги, ижтимоий-иқтисодий, ҳўжа-лик ва сиёсий ҳаётдан сўзловчи нодир ҳўжатлар устида илмий иш олиб борилам.

Ота-боболаримиз ўзаро ҳўкукий муносабатларини қайд этишига айрича эътибор берганлар. Шу боис, ўтмиш ёзма меросимизнинг катта қисмини расмий матнлар ташкил этади. Изланишлар VI — XVI асрлар орасида туркий тилда битилган, дунёнинг турли қўлёзмалар хазиналарида сақланаётган ҳўжатларнинг умумий сониди 500 дан ортиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ўтмиш аждодларимизнинг

девон-маҳқама идоралари ва иш юритиш амалиётида расмий матнларнинг ўнлаб турлари қўлланган.

Ўзбек тили тарихида амалда бўлган расмий услубнинг илдизлари узок ўтмишга эга. Бу тилан илдизлар туркий давлатчилик тарихи билан узвий боғлиқ; ҳўжатчилик иши — давлатчилик тарихи билан изма-из юради. Ҳар бир давлат ўз ҳудудида иш юритиш қоғозлари ҳамда бошқарув ишлари, қолаверса, теваарак эллар билан қўшничилик алоқалари ўзининг она тилида бўлишини истаиди. Айни ҳўлат унинг мустақиллигини кўрсатувчи муҳим белгилардан биридир. Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳўжатчилик ишларининг кўпроқ она тилимизда ва ота-боболардан қолган қадимги ёзувларда олиб борилганлиги сабаби ҳам ана шунда. Ушбу сиёсий, тарихий ва лингвистик жараёнлар ўзбек тили расмий услубининг тўла-тўқиси, мукаммал бир қолигда шаклланиши ва раванаккага кенг йўл очиб берган.

Темурийлар даврига оид қўлаб расмий матнлар бошқарув идораларига тегишли асл ҳўжатлар бўлиб, улар давлат раҳбарларининг давлат тилида чиқарган, ҳўкукий кучга эга бўлган фармойишларидир. Мазкур ҳўжатларнинг мамлакат ҳўкмирони номидан эски ўзбек адабий тилида битилганлиги муҳим. Ушбу ҳўжатларнинг мавжудлиги Темури ва темурийлар салтанатида эски ўзбек адабий тилининг ҳўкукий мақоми давлат тили даражасида эканлигини тасдиқлайди.

Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар илк ва ўрта асрлардаги ўзбек давлатчилигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тарихи, салтанатларнинг маъмурий тизими, қўшни эллар билан дипло-

матик муносабатларни, қонунчилик тизимининг шаклланиши, ўлкамизда божхона ва солиқ хизматларининг юзага келиш тарихини ўрганишда, шунингдек, аждодларимиз бунёд этган салтанатларда она тилимизнинг ҳўкудий, ижтимоий-сиёсий мақоми белгилашда ниҳоятда қимматли далилларни беради.

Одилжон ҚОРИЕВ, тарих фанлари номзоди:

— Ўрта асрларда яшаб ижод этган аждодларимиз илмий даҳоси инсоният тараққиётининг истиқболини белгилаб берган оламшумул тарихий аҳамиятини ҳаётнинг ўзи тасдиқла-ди. Буюк алломаларимиз қолдириб кетган бебаҳо илмий меросини аксарий қисми мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритма-гунча минглаб қўлёзмалар қатига қолиб кел-гани ҳам айни ҳақиқат. Энг ачинарлиси, бу бебаҳо бойлиқдан фарб мамлакатлари алла-қачон ўрганиб баҳраманд бўла-бошлаганди ҳам биз бебаҳра қолиб келдик. Мустақиллик-нинг дастлабки йиллариданқ аждодларимиз-нинг илмий меросини рўёбга қиқариш ҳара-катлари бошлаб юборилди.

Самарқандда бўлиб ўтган Халқаро конфе-ренцияда давлатимиз раҳбари соҳа мутахас-сисларининг захматли ишларини юксак қадр-лаб: "Бизнинг халқимизда "Илм билан шўғул-ланиш — игна билан қудуқ қазииш билан баро-бар" деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазииётчилар бор бўлсин!" деган сўзлари шар-қшунос, тарихчи олимларнинг қўксини тоғ-дек қўтариб, бир ғайратига минг ғайрат қўшди. Юртбошимиз мазкур маърузасида олимлар олдида турган вазифаларни ҳам аниқ белги-лаб берди: "Бугун ҳеч бир муболагасиз ай-тиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқ-чиман, Ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда".

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги мавжуд қўлёзмалар хазиналарида илм-фаннинг тур-ли соҳаларига оид ўн минглаб жилд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Шарқшунос олимлар қатор йиллар давомида бу маданий-маънавий бойлиқни тадқиқ этиб, халқимизга етказиш учун тинмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Шун-га қарамай, бу бойлигимиз шу қадар салмоқ-лики, ўтган даврда амалга оширилган ишлар нечоғли самарали бўлмассин, қилиниши ло-зим бўлган ишлар ниҳоятда кўп.

2015 йилда Тошкент давлат Шарқшунос-лик институти қошидаги Шарқ қўлёзмалари мар-казида "Термизлик алломалар илмий мероси-нини тадқиқ этиш, асарларининг таржима ва нашрини амалга ошириш" лойиҳаси бўйича илмий ижодий гуруҳ иш бошлади. Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари ката-логини шакллантиришга киришар эканмиз, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида-ги қўлёзмалар хазиналаридаги асарларга эътиборимизни қаратдик. Иш қўлами ниҳ-оятда кенг, вақт чекланган бўлишига қарамай гуруҳ аъзолари имкон даражасида мавжуд қўлёзмаларни қамраб олишга ҳаракат қилмоқ-далар. Бугунги кунда ўрта асрлардан то йи-гирманчи асрнинг бошларигача бўлган давр-да яшаб ижод этган юздан ортиқ термизлик алломаларининг номилари аниқланди. Уларнинг саксондан ортиқ асарлари ва бу асарлар қўлёзмаларининг уч юзга яқин нусхалари аниқланиб илмий тавсифланаётир. Хозирда тайёрлаб нашр қилинадиган фикристинимиз бу борада дастлабки кадам бўлади. Лойиҳамиз доирасида дастлабки уч йил давомида ўрта

аср олимларидан Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий ва Хожа Самандар Тер-мизийнинг ўнла асари араб ва форс тилла-ридан ўзбек тилига таржима қилинади. Демак, маънавий меросини илмий тадқиқ этиш, тар-жима қилиб халқимизга етказиб бериш кей-инги йилларда ҳам давом эттирилади.

Ҳамидулла ЛУТФУЛЛАЕВ, тарих фанлари номзоди:

— Шарқ қўлёзмалари маркази хазинасида сақланаётган қўлёзмаларнинг бир қисми ката-логлаштирилган. Мустақиллик йилларида соҳага оид қатор манбаларнинг нашрлари амалга оширилди. Лекин бу соҳада қилини-ши лозим бўлган ишлар ҳали талайгина. Чун-ки юртимизда яшаб ўтган тилшунос олимлар, шоир ва ёзувчиларнинг турли хазиналарида сақланаётган илмий-адабий меросининг қад-рови ҳозиргача аниқланмаган. Улардан ҳам-да оз қисми илмий тадқиқотларга жалб этилган-ки, бу масаланинг нечоғли долзарблигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, IX–XX аср-ларда Марказий Осиё олимлари томонидан таъриф этилган ёки бевосита фойдаланилган адабий манбаларни ўрганиш ва илмий тав-сифини тузиш ушбу лойиҳа учун илмий тад-қиқот мавзуси қилиб белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, тил ва адабиётга оид қўлёзмалар Марказ хазинасининг катта бир қисмини ташкил этади. Жумладан, адабиётга доир — девонлар, газаллар, баъзлар, таъзи-ралар, ҳикоялар, достонлар, қасдалар, тил-шуносликка оид сарф, наҳв, луғат тўпламла-ри ва соҳага тааллуқли бошқа рисоаларнинг 5000дан зиёд нусхалари сақланмоқда. Бу ерда ўзбек ва форс-тожик адабиётининг машҳур на-моёндалари билан бир қаторда, ҳали ўрга-нилмаган ёки кам ўрганилган асарларнинг қўлёзмалари ҳам талайгина.

Режалаштирилган каталогда адабий манбалар ва тилшуносликка оид қўлё-змалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади. Жумладан, асарнинг ин-вентарь рақами, номи, муаллифи, ёзил-ган йили, тили, филологиянинг қайси йўналишига тегишли экани, ҳажми, қўчи-рилиши билан боғлиқ масалалар, муқо-васи, хуллас, йиғирмадан ортиқ маълум-отни келтириш назарда тутилган. Тавсиф-дан фойдаланишда қўлайлиқлар яратиш мақ-садида асар номи, муаллифи, жой номи, ко-тиби билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳам тузила-ди. Каталог тахминан 1500 тадан ортиқ ил-мий тавсифини ўз ичига олади.

Каталог ўзига ҳош йўлқўрсаткич вазифаси-ни ўтаб, тадқиқотчиға нафақат манба ҳақида маълумот беради, балки уларни бошқа ката-логлар билан қиёслаш имконини яратади. Бу, ўз навбатида, тадқиқот объекти ҳақида маълумот йиғиш жараёнини енгиллаштиради.

Шўхратилло ПУЛАТОВ, илмий ҳодим:

— Айрим маълумотларга қараганда Ўзбе-кистон Республикасининг турли фондрларида ва хусусий коллекцияларда 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Ҳозирги кунда бу ёдгорликларнинг катта қисми тарқоқ ҳо-лдалиги ва турли шароитларда сақлаб келина-ётгани ушбу артефактларнинг муҳофаза қилиш чораларини кучайтириш заруриятини туғди-ради. Бу йўналишда турли идора, маъсаса ва ўқув юртлири томонидан кўплаб таъбирлар амалга ошириляпти. Улар Ўзбекистон Респу-бликаси ҳўкуматининг бир неча қарор ва метъ-рий ҳўжатларида ҳам ўз аксини топган.

Самарқанд конференциясининг очилиш ма-росимидаги нутқиди Юртбошимиз ёдгорлик-ларни асраб-авайлаш ҳақида батафсил тўхта-либ, "Бизнинг истагимиз шуки, Шарқ қўлё-змаларида сақланаётган улкан меросдан бар-ча-барча инсонлар баҳраманд бўлсин. Улар-ни одамларга, авваламбор ёшларимизга ет-казиш айни муддао бўлур эди", деб тилак бил-дирилди.

Бу тақлифнинг амалий ижросини таъмин-лаш ниятида Шарқ қўлёзма асарлар мажмуъи-си фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляётир. Жумладан, марказ фа-олиятида илк бор "Тошкент давлат шарқшунос-лик институти ҳузуридagi Абу Райҳон Беру-ний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида сақланаётган тарихий ҳўжатлар ҳолатининг таҳлили ва уларни сақлаш шароитларини ях-шилашнинг илмий асослари ва амалиёти" но-ми лойиҳа амалга ошириля бошланди.

Тарихий ҳўжатларни илмий муомалага ки-ритиш жараёни тўғри амалга оширилмаса улар-га жиддий талофат етиши мумкин. Шунинг учун превентив консервация ва реставрация муола-жаларини амалга ошириш талаб этилади. Жум-ладан, ўта оғир ҳолатдаги ҳўжатларни рестав-рация қилиш ва уларнинг асл нусхаларини ҳимо-ялаш мақсадида электрон нусхаларини яратиш ишлари амалга ошириляди. Таъмирга муҳтож ўта оғир ҳолатдаги 100 та ҳўжатга сайқал бе-риляб, қайтадан жон бағишланади.

Лойиҳа юқоридида санаб ўтилган тамойил-лар асосида амалга ошириляб, тадқиқотлар якунида қўлёзмалар хазинасидаги тарихий ҳўжатлар коллекциясининг сақланиш шаро-ити замон талабларига мос равишда туб-дан янгиланади, коллекциядаги барча тари-хий ҳўжатларнинг электрон нусхалари яра-тиляб, уларнинг зарарланишига чек қўйила-ди. Тарихий ҳўжатлар консервация ва рес-таврацияси ҳақида ўқув ва услубий қўллан-ма тузиляди. Шўҳасиз, бу ҳаракатлар ма-даниятимизнинг ажралмас қисми бўлган қўлёзмаларини келажак авлодга бешикаст етказиш йўлида амалга оширишимиз керак бўлган энг зарур вазифаларни бажаришга йўналтирилган.

Давра сўхбати материалларини нашрга А.ОТАБОВ тайёрлади.

ИГНА БИЛАН ҚУДУҚ ҚАЗИИБ

АЖДОДЛАР МЕРОСINI ЎРГАНИШНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

шув бўлди. Унда ўтмиш ме-росини ўрганишнинг ил-мий-назарий ҳамда мето-дологик асослари аниқ-равшан белгилаб бе-рилди.

Маърузада XI юзйилликда яшаб ижод эт-ган улуг тилшунос Маҳмуд Кошгарийнинг "Де-вону лугати-т-турк" асарига ҳам тўхталиб, унга катта баҳо берилган. "Девону лугати-т-турк"-нинг илмий аҳамияти бекиёс. Бу асар Шарқу Фарб халқларига қадимги туркий халқларнинг тили, маданияти, тарихи тўғрисида тўлиқ маълумот берувчи қомусий китоб.

Асар дунё шарқшунослигининг доимий эътиборида. Унинг туркча, ўзбекча, уйғурча, озарбойжонча, инглизча, русча, форсча тар-жималари яратилган. 2010 йили Москвада чиққан русча таржимасини таниқли ва зах-маткаш олимимиз Алибек Рустамов яратган.

Шу ўринда фанимиз олдида турган муҳим масалага уруғ бермоқчиман. "Девону лугати-т-турк"нинг ўзбекча таржимаси нашр этилга-

нинг етишмаслиги, жаҳонда инсоннинг маъна-вий қамолоти масалаларини назардан четда қолдириш ҳисобига, кўпроқ фарбча прагматизм ва технократизм фалсафасининг ривожланти-рилиши каби сабаблар ҳам шулар сирасидан. Ваҳоланки, XXI асрнинг биринчи ўн йилли-гида жаҳон цивилизацияси тараққиётини бел-гилувчи омилар Фарбдан Шарққа кўчганли-ги, Фарб цивилизациясида юзага келган ахло-қий муаммолар ечимини топиш мақсадида шарқшуносликка, хусусан, Шарқ халқлари тарихи, маданияти, фалсафасига мурожаат ва уларни ўрганишга қизиқиш ниҳоятда ортди.

Шу ўринда, фанда ҳали охиригача ечими топилмаган бир қатор муаммолар мавжуд-лигини ҳам қайд этиш лозим. Шарқ фалса-фасига нисбатан, унинг "иррационал, инту-итив, диний, мистик характерга эга" эканлиги ҳақидаги фикрлар орқали шаклланган янгилик стереотипларни ўзгартириш вақти келди. Бугунги кунга келиб, маънавий меросимиз-ни чуқур таҳлил этиш

СУВОРА БИЛАН ЖАҲОН САЙРИГА

Ёш истеъдодли хонанда Илҳомжон Исмоиловни бугун нафақат юртимизда, балки нундан ташқарида ҳам яхши танишади. Болалигида мумтоз куй-ашулар оғушида улгайиб, бугун аънанавий хонандалик йўналишида самарали ижод қилаётган Илҳомжон 1999 йили Муҳиддин Қориёқубов номидаги ёш мақомчилар кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаб, илк муваффақиятни қўлга киритганди.

Шундан сўнг мактабни тамомлаб, Бухоро санъат коллежига ўқишга киради. Домла Ҳалим Ибодов, Левича Хофиз, Юнус Ражабий, Фахриддин Содиков, Комилжон Жабборов, Мухторжон Муртазоев ва бошқа забардаст санъаткорлар асарларини, уларнинг ижро маҳоратларини ўрганади. 2005 йили Ҳожихон Болтаев хотира-сига бағишланган танловда Хоразм йўналишидаги "Сувора" билан иштирок этиб, 2006 йили республика Ёш ижрочилар кўрик-танловида биринчи ўринни эгаллайди. Ю.Ражабий басталаган "Жудо", Шашмақомнинг "Наво" мақоми таркибидан ўрин олган "Соқиномаи Савти Баёт", Хоразм ижро йўлидан "Она Сувора" асарлари, "Дугоҳ" мақоми таркибидан ўрин олган "Талқини Чоргоҳ", "Чоргоҳ III" каби асарларни маҳорат билан ижро этади.

Танишув

Узининг бу ютуқларида илк устозлари Зайниддин Шеров ва Толибжон Темировларнинг хизматлари катта эканини И.Исмоилов фахрли равиш билан эътибор қилади. Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқишга кирган Илҳомжон дастлаб халқ ҳофиз Эркин Рўзиматов синфида ўқиб, бастакорлар ижоди

ҳамда Фарғона-Тошкент мақом йўллари ўрганади. Сўнгра халқ ҳофизы Матназар Худойназаров синфида Хоразм мақом ижрочилиги йўллари ўрганишга астойдил киришади.

Ўқиш давридаёқ Германиянинг Рудол штатида ўтказилган Халқаро мусиқа фестивалида устози Толибжон Темиров ва бир қатор бухоролик мақом устозлари билан биргаликда қатнашиб, чет элликларга ўзбек мумтоз наволарини манзур қилишга ҳисса қўшади. Фестивалда жонли ижрода иккита ашула айтиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлади. Кейинчалик Германиянинг

Веймер шаҳрида ўтган Халқаро мусиқа симпозиумида устозлари билан биргаликда "Сарахбори Рост" — тароналари билан, "Талқини Рост" — Уфори билан, Наврўзи Сабо каби асарларни ижро этишади.

Бу йил Илҳомжон Исмоилов учун омадли бошланди. 11-18 март кунлари Озарбойжонда бўлиб ўтган IV Байналхалқ Мугом мусобақасида хонанда иккинчи ўрин совриндори бўлди. Дастурда ҳар бир иштирокчи ўз халқининг миллий мусиқа санъатини намойиш этиш билан бирга, Озарбой-

жон мугомларидан, озор халқининг севиқли асари ҳисобланган "Қорабоғ шикастаси" халқ ашуласидан ижро этиш талаби қўйилган эди. Танловда фақат ўзбекистонлик иштирокчиларгина ушбу дастурга тўла амал қилган ҳолда куйладилар.

— Мусиқа ихлосмандларининг ёдида бўлса керак, 2009 йили шогирдим Юлдуз Турдиева Озарбойжонда бўлиб ўтган ушбу танловда биринчи ўринга сазовор бўлганди, — дейди Толиб Темиров. — Шогирдим Илҳомжон билан биргаликда меҳнатларимиз ҳам муносиб тақдирланиб, унинг ижроси иккинчи ўринга лойиқ топилганидан хурсандман. Бизга яқиндан кўмак берган мусиқашунос Александр Жумаевга ва Шавкат Болтаевга, Озарбойжон мақомларини ўрганишда кўмаклашган Консерватория ўқитувчиси Очилбек Матчоновга миннатдорлик билдираман.

— Жаҳон сахнасидаги танловда илк бор қатнашганим учун бироз ҳаяжон босди, — дейди И.Исмоилов. — Жамоамиздаги созандаларнинг қўллаб-қувватлашлари менга куч берди. Озарбойжон мугомидан куйлаганимизда барча тингловчи ва иштирокчилар олқишлар билан қўллаб-қувватлашди. Бу ҳол ўзимизга бўлган ишончнинг ортидир. Очиги, совриндор бўлиш хаёлимга ҳам келмаганди. Мумтоз мусиқамизнинг жаҳон сахнасида янграши ва Ўзбекистон номидан иштирок этиш менга фахр ва гурур бағишлади.

Ҳозирги кунда Илҳомжон Исмоилов 2016 йили Эронда бўлиб ўтадиган халқаро фестивалда иштирок этиш учун астойдил изланмоқда.

Диловар ҚОДИРОВА, мусиқашунос

ҲАВАС САҲНАСИДА

Замонавий мусиқа санъатининг пиллаполярларидан шахдам қадамлар билан одимлаётган гуруҳлардан бири "Ҳавас"дир. Бу оилавий гуруҳни бугун нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам яхши билишади. Кун кеча пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Ҳавас" гуруҳи аъзоси, "Ниҳол" мукофотининг совриндори Қахрамон Фуломжонов ҳамда бир неча Халқаро кўрик-танловлар ғолиби Достонбек Фуломжонов Ўзбекистон миллий симфоник оркестри жўрлигида "Ниҳол" илҳомлари — 2015" номли концерт дастурини мухлисларга тақдим этди. Ёш созандалар жаҳон мусиқа даргаларидан Сергей Рахманинов ижодидан намуналарни маҳорат билан чалдилар. Айниқса, Қахрамон фортепианода чалган композиторнинг "Паганини мавзусига Рапсодия"си мумтоз мусиқа мухлисларининг олқишига сазовор бўлди. Достонбек ҳам скрипка чалишда акасида қолишмади. Гуруҳнинг кенжа вакили Робияхоннинг миллий симфоник оркестр жўрлигида скрипкада чалган куйи йиғилганларга завқ бағишлади.

Камалиддин Ўринбоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, дирижёр: — Фуломжоновлар оиласи билан

ҳамкорлигимизга бир йилдан ошди. Бу оиланинг истеъдодли вакиллари билан ўтган йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта залда мухлисларга концерт дастурини тақдим этишга астойдил киришдик.



дим этгандик. Ушбу концерт Фуломжоновларнинг бир йилги ижодий ҳисоботи, десак хато бўлмас. Бундай ижодга чанқок ёшлар, тенгдошларим билан катта симфоник оркестр жўрлигида ишлаш ниҳоятда мароқли ва қизиқарли. Бу йилги концерт дастури ўтган йилга қараганда анча мурак-

каб. Танланган асарлар ёшлар учун катта бир мактаб вазифини ўтайди. Қолаверса бадий ва техник жиҳатдан мураккаб бўлган бу куйларни асосан жаҳон фортепиано, скрипка мактабининг энг кўзга қўриган вакиллари чалиб келганлар. Юзқўздан нур ёғилиб турган Қахрамон, Достонбек ва ҳажжи Робияхон каби ёшларнинг чиқишлари юртимиздаги бошқа ёш оилаларга ибрат бўлади, деб умид қиламан.

Қахрамон Фуломжонов: — Катта сахнада илк бор фортепиано чалганим учун бироз ҳаяжонландим. Албатта, халқаро танловларда сахнага чиққанман. Унда олдимда Ватаним шарафини ҳимоя қилишдек жиддий вазифа турарди. Хаёлим фақат юксак ижро маҳорати кўрсатиш билан банд бўларди. Бу ерда эса юртдошларимиз олдида оилавий концерт бериб, жиддий имтиҳондан ўтдик. Ўзимизнинг ўзбек томошабинлари, ёшлар классик мусиқани севиб тинглаганлари менга илҳом бағишлади. Бу юртимизда классик мусиқага катта эътибор берилганидан, деб биламан. Келаси йили мухлисларга Сергей Прокофьевнинг машҳур асарларидан концерт дастури тақдим этиш ниятим бор.

С.ҚОСИМОВА

ҚИЗИЛҚУМ ЖАВОҲИРЛАРИ

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида 8-10 май кунлари Навоий конметаллургия комбинати тасаруфидаги маданият муассасалари ва "Фарҳод" маданият саройи ижодий жамоаларининг ранг-баранг концерт дастури намойиш этилди. Хотира ва қадрлаш айёмига бағишланган мазкур

лари талабалари таклиф этилдилар. Мустақиллик даврида қончиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши ва уларнинг фарзандлари ўз истеъдодини камолга етказишлари учун маданият уйлари ва саройлари фаолияти-

ли ижодий жамоа ва тўғарақларда иштирок этмоқда. "Сардоба" фольклор-этнография ансамбли, "Бахтли болалик" хореография студияси,

Истиқлол фарзандлари



санъат байрамига уруш ва меҳнат фахрийлари, пойтахтимиздаги болалар уйлари, раёон маданият марказлари жамоалари ҳамда санъат ва маданият ўқув юр-

ни замон талаблари савиясида ташкил этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир мазкур маданият муассасаларида асосан ёшлардан иборат олти мингга яқин истеъдодлар тур-

"Ивушка" халқ хори турли нуфузли танловларда мукофотлар билан тақдирланган. "Ширин", "Марварид", "Соната", "Сказ" каби жамоалар эса мамлакат миқёсида ўтказиладиган байрам тадбирларининг доимий иштирокчиси сифатида кўпчиликка яхши маълум.

"Туркистон" саройига йиғилган томошабинлар республика ва халқаро танловлар совриндори Серижан Жаҳнаҳмедовнинг Расул Ҳамзатов шеъри билан айтиладиган "Турналар", "Ниҳол" ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри ижросидаги "Гўзал Тошкент", "Фаввора" мақомчилар ансамблининг Фузулий ғазали билан айтиладиган "Савти сувора", хонанда Муслима Нурибегова ва "Ширин" халқ рақс ансамбли ижросидаги "Мавриги" ашуларини, шунингдек, "Бахтли болалик", "Қалдирғоч", "Афсона", "Садо", "Дебют", "Соната", "Flash Dance", "Экспрессия" ансамбларининг замонавий рақслари ва турли тилларда янграган қўшиқларини катта олқиш билан кўтиб олдилар.

БАҲОР ВА ЁШЛИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шу ўринда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилаётган турли фестиваллар, кўрик-танловлар, жумладан, Президентимизнинг ёш истеъдодлар учун ташкил этган "Ниҳол" давлат мукофоти, "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танлови, "Она юрт оҳанглари", "Созлар навоси" каби ёш мусиқачилар танловлари, "Ёшлик завқи" балет ва замонавий рақс ижрочилари фестивали, "Хуш кайфият" кизикчи ҳамда сўз усталари танлови каби ўнлаб тадбирларни санаб ўтиш жоиз. Зеро, "Ёшлик баҳори" ана шундай катта анжуманлардан бири ҳисобланади.

Кўрик-фестивалнинг саралаш босқичи шу йил 11-14 май кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтди. Унда тадбир иштирокчилари ўзбек ва чет эл композиторларининг операларидан ариялар ҳамда камервокал асарларидан намуналар куйладилар. Танлов катта нашчиларининг чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди. Ҳайъат хулосасига кўра, куйидагилар ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олди.

ЯХШИДАН БОҒ

Пойтахтимиздаги Республика рассомлик коллежиде Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тасвирий санъат кўргазмаси ўтказилди. Тадбир очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадий академияси раиси, Халқ рассоми Акмал Нуриддинов коллежда узоқ йиллар давомида фаолият юритиб, қўллаб-қўлловчи мўйқалам соҳибларини вояга етказган устоз ижодкорлар меҳнатини алоҳида таъкидлади.

Кўргазма давомида Н.Кўзибоев, Т.Мирзаев, Н.Султонов, Ш.Қурбонова, О.Олимжонова каби марҳум ижодкорларнинг асарлари, жумладан, уларнинг ҳаётини ёритувчи фотосуратлар намойиш этилди. Рангтаъсир, графика, кулоччилик йўналишида яратилган бетакрор ижод намуналари кўргазмада иштирок этган ёш ижодкорлар учун маҳорат намунаси сифатида хизмат қилиши шубҳасиз.

Камалиддин Бехзод мемориал боғ-музейида истеъдодли миниатюрachi рассом Зилола Сулаймонова ҳамда шогирдларининг "Аънаналар давомида" деб номланган кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Шарқ миниатюрасининг мумтоз намуналари билан бир қаторда, ёш ижодкорларнинг қоғоз, панно, томошақоғок ҳамда қўтичаларга ишланган ижодий ишлари намойиш этилди. Ҳар бир асар композицион жиҳатдан мукамаллиги, ранг ва шаклларнинг нафислиги билан ажралиб туради. Улар орасида, айниқса, Р.Алибоев, М.Мирзараҳмонова, Х.Мухторов, У.Исмаилов каби ёш ижодкорлар яратган асарлардаги фалсафий ёндашувлар, мазмун ва шакл уйғунлиги мухлислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Малика НУРИДДИНОВА

ЯНГИ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Консерватория кафедре мудири, профессор Дилором Омонуллаева замонавий ўзбек эстрада санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган бастакорлардан биридир.

Кун кеча Консерваторияда Д.Омонуллаеванинг "Эстрада-жаз вокализлари" ўқув қўлланмаси тақдими бўлиб ўтди. Муаллиф тўпلامга 25 та мустақил концерт асарини жамлаган. Мазкур асарларнинг аксарияти ўзбек ва жаҳон мусиқа санъатининг ёрқин намуналарига бағишлангани билан эътиборлидир. Улар орасида юртимиз мусиқа санъатининг йирик вакиллари билан бирга, В.Моцарт, Й.Гайдн, С.Рахманинов сингари жаҳон композиторлари, Элвис Пресли, Уитни Хьюстон, Эдит Piaф, Рашид Бейбутов, Муслим Магомаев сингари бетакрор санъаткорлар бор.

Эътиборлиси шундаки, китоб йиғилганларга нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам тақдим этилди. Бунда Д.Омонуллаева қўл остида таҳсил олаётган шогирдларининг хизмати бор.

Жумладан, республика ва халқаро танловлар совриндорлари Расул Абдуллаев ва Жамила Наимова, Фериде Гиргин, Рушана Раҳмонова, Ирода Юсупова, Ажкол Милдбековлар композиторнинг бир қатор вокализларини маҳорат билан ижро этдилар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қумуш Раззоқова ижросидаги Д.Омонуллаеванинг "Ёмғир ёғди", "Сен қайдасан?", "Мен сени ҳеч кимга бермайман", "Юрагимда" каби қўшиқлари тадбирга файз бағишлади.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, қўлланма масъул муҳаррири, профессор Соибжон Бегматов Д.Омонуллаева ижодининг аҳамияти хусусида сўзладилар.

Гулчехра ДОНИЁРОВА

«МУНОЖОТ»НИ ТИНГЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси ҳамкорликда "Кексаларни эъзозлаш йили"га бағишлаб 12-13 май кунлари "Туркистон" саройида жонли ижрода концерт ташкил қилди. Унда "Мумтоз" ҳамда "Навбахор" ашула ва рақс ансамбли аъзолари қадим санъатимиз дурдоналарини маҳорат билан ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлдилар.

Икки кун давомида Ўзбекистон халқ ҳофизлари Улмас Саиджонов, Соиб Ниёзов, Халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов, "Ниҳол" мукофоти лауреати Гулзода Худойназарова, таниқли хонандалар Аслиддин Дўстов, Олим Мирзаев, Ёқуб Норимов, Жаҳонгир Ортиқов, Шерзод Машарифов, Гулором Сулаймонова, Ҳилола Самиевалар буюк устозлардан мерос бўлиб келаётган ашуларини жонли ижрода маромига етказиб айт-



дилар. "Муножот", "Ширин ҳаёл", "Хоразмча рақс", "Доира рақси", "Лаган рақси" каби рақслар гулдас-таси ва мумтоз куйлар ижроси ҳам тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Бу каби концертлар асл санъат мухлисларига завқ-шавақ улаштириш билан бирга, жонли ижро тарғиботи ва бой маънавий меросимизни навиқрон ижрочиларга етказишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

КИТОБХОНЛАР ҲУЗУРИДА

Сурхондарё халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида таниқли ёзувчи Нодир Норматов билан "Адабиёт ва мустақиллик даври маънавияти" мавзусида бўлган ижодий мулоқот қатнашчиларда катта таассурот қолдирди. Вилоятнинг турли ўқув юртларидан ташриф буюрган ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари ижодкорга ўзларини қизиқтирган саволлар билан муносабат қилдилар.

М.ОЛЛОМУРОВОД

Мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида бўлиб ўтаётган иқтидорли ёшларнинг "Юрт келажиги" танлови вилоят босқичлари якуни етмоқда. Гулистон шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг Сирдарё вилоят босқичи қўллаб-қўлловчи ёшлар номини маълум этди. Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган уч юзга яқин истеъдодли ёшлар "Архитектура ва дизайн (интерьер архитектураси ва дизайни), шаҳарсозлик ва ландшафт дизайни", "Ахборот технологиялари, иxtироччилик таклиф-

"ЮРТ КЕЛАЖАГИ" ТАНЛОВИ

лари ва техник ишланмалар", "Аънанавий ва амалий санъат (тасвирий ва амалий санъат)", "Адабиёт ва журналистика" номинациялари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Гулистон давлат университетиде бўлиб ўтган тадбир жараёнида, айниқса, архитектура ва дизайн, аънанавий ва амалий санъат, иxtироччилик соҳаларида иқтидорини намоён этаётган ёшлар ўзларининг рангтаъсир, портрет жанрига доир асарлари, турли бино ва иншоотлар, болалар майдончалари ва истироҳат боғларининг лойиҳа ҳамда тарҳларидан ташкил топган кўргазма билан кўпчиликнинг эътиборини тортишди.

Янгиер академик лицейи ўқувчиси Юлдуз Сувоибердиева, Гулистон тиббиёт коллежи талабаси Шаҳсанам Йўлдошева, Гулистондаги 2-академик лицейи ўқувчиси Шаҳноза Саматова журналистика йўналиши бўйича фахрли ўринларни эгаллаб, пойтахтда ўтказиладиган республика босқичига йўлланма ҳамда танлов дипломиларини қўлга киритдилар.

Бошланғичи биринчи саҳифада.

ТАМАДДУН БЕШИГИДА

"Бу бор йўғи музей-ку", дейишга шоманг. Тўғри, Фарба дунёнинг турли мамлакатларидан олиб чиқиб келинган осори атиқаларга лиқ тўла машҳур музейлар кўп. Лувр, Метрополитен, Эрмитаж, Прадо... Уларни зиёрат қилиш ҳар бир санъат ихлосмандининг орзуси. Аммо инсоният тамаддунининг бешиги саналаган Марказий Осиё ҳудудидаги ягона археология музейи Термизда фаолият олиб бораётганига нима дейсиз. Бу ҳам халқро аҳамиятга эга муҳим ҳодиса эмасми! Археологияни тарихнинг юрагига қиёслашди. Демак Термиз шаҳри бугун Марказий Осиё халқларининг тарихини ўрганиш марказига айланган, деб ишонч билан айта оламиз.

Музей раҳбари Зебунисо Алимардонова билан суҳбатлашарканман, муҳасисс Мустақиллик маҳсули саналган ушбу маданият муассасасининг ташкил этилганига эндигина ўн уч йил тўлганига ва жаҳон музейшунослиги тажрибасида бу жуда қисқа муддат ҳисобланишига эътибор қаратади. Хайратланарли жиҳати шундаки, ҳозирги кунда бу ерда сақланаётган экспонатлар сонини саксон тўрт мингдан ошган. Улардан йигирма олти мингга яқини нумизматика фондига тегишли. Шунингдек, музейда умумий фонди ўн етти минг нусхадан зиёд ноб илмий кутубхона ва замонавий кироатхона зали мавжуд.

Музей фондидаги экспонатларнинг тез кўпайишида воҳада ўтказилаётган кўплаб экспедицияларнинг ҳиссаси катта. Хорижлик олимлар билан ҳамкорликда ўтказилувчи бундай тадқиқотлар чоғида ҳар йили юзлаб ноб ашёлар аниқланади ва музей фондига топширилади. Яқин йиллар ичида Термиз археология музейи жаҳондаги энг бой ва ноб коллекцияга эга бўлган маданият хазинасига айланса, ажаб эмас.

Ҳозир кўргазма залларидан ўрин олган осори атиқалар исталган томошабинни хайратга солишга қодир. Утмиш мўъжизаларини кўриш мақсадида йўлга чиққан сайёҳ мисоли улар

билан танишишга ошиқаман. Томоша зали марказида Сурхондарё вилоятининг археологик ёдгорликлар харитаси жойлашган. Белгиланган ёдгорликлар сони шу қадар кўпки, уларни ўрганиш борасидаги асосий тадқиқотлар ҳали олдинда эканини тушунасиз. Харита рўпарасида қад ростлаган Кўҳна Термиз қалъасининг қайта тикланган нусхаси хайратини янада оширади. Музей рамзига айланган ушбу қалъа дарвозасида дарёлар ҳукмдори ҳисобланган Вахшо маъбудининг тасвири акс эттирилган. Афсонавий қаҳрамон гўё қадимий Термизга сайёҳат айнан шу дарвозадан, яъни Кўҳна Термиз тарихини ўрганишдан бошланади, дея таъкидлаётгандек.

Замонавий жиҳозланган кенг ва ёрۇғ кўргазма залларида милодга



қадар юз минг йилликдан тортиб, то XIX асрга қадар бўлган ўтмиш тарихимиздан гувоҳлик берувчи экспонатлар жилоланади. Бу ерга келган одамни аввал Тешиктошдан топилган неандертал боланинг бюсти қарши олади. Тош даври маданиятига бағишланган зални оралаб, антик давр мўъжизалари билан юзлашасиз. Холчаёнда топилган жангчи хайкали, Фаёзтепада аниқланган ибодат маросимлари бажариладиган тош ҳовуз, Кўҳна Термиздан топилган оқ тошдан ўйиб ишланган фил тасвири, Қоратепада аниқланган Будда хайкали... Бу осори атиқаларнинг ҳар бири улкан тарих китобига ўхшайди. Уларга назар ташлаб ақлингиз шошади, асрлар тўзони қаршингизда елдек учиб ўтади.

Кўргазма залларидаги экспонатлар орасида, айниқса, тош ва сополдан ясалган хайкаллар кишини ўзига мафтун этади. Турли даврларда яшаган буюк ҳукмдорлар, маликаю жангчилар қиёфаси ифодаланган ушбу санъат намуналарининг маҳобати ва гўзаллиги юнонларнинг машҳур хайкаллари билан сира қолишмайди. Аксинча, улар орасида ўзига хос уйғунликни кўриш мумкин. Кушон даври маданиятига бағишланган залда, Далварзинтепадан топилган машҳур хайкал нусхасига дуч келаман. Бу Кушон шаҳзодаси билан илк учрашувимиз эди. Хайкал ясалган пайтда шаҳзода мен билан тенгдош бўлганмикан, дея хайл қиламан. Унинг қиёфаси ниҳоятда сокин, кўзларида болаларча бегуборлик, юзида ним табассум сезилади. Хайкал атрофини яна кўплаб ноб санъат асарлари қуршаганини таъкидлаш лозим. Умуман, Кушон даври маданияти залидан ўрин олган экспонатлар салмоғи ва қиммати бошқа бўлимларга қараганда юқори экани яққол кўринади.

Зебунисо опанинг айтишича, Кушон подшоҳлари ҳукмронлик қилган асрлар Сурхондарё тарихидаги ўзига хос олтин давр ҳисобланади. Воҳада санъатнинг даярли барча турлари, айниқса, хайкалтарошлик, меъморлик, ҳунармандлик, заргарлик юксак даражада ривожланган. Антик маданият тараққиёти янги паллага кўтарилиб, турли аъёнлар уйғунлашуви юз берган. Буни деворларга ишланган оддий нақшлардан тортиб, маиший турмуш буюмлари, танга ва тақинчоқларда ҳам кўриш мумкин. Бир қарашда бу даврга оид топилмаларнинг асосий қисми сарой муҳитига дахлдордек туюлади. Бироқ уларга синчиқлаб назар солинса, воҳа усталари турли халқлар санъатига оид тажрибалар асосида ўзига хос мактаб яратишга эришгани намоён бўлади.

Музейнинг етакчи илмий ходимларидан бири Шамсиддин Худойберга-

нов мамлакатимиз ҳудудиде асрлар давомида кенган маданиятлар мулоқоти ҳақида сўзлар экан, қизиқ бир жиҳатга тўхталди. Саркарда Искандар Мақдуний Марказий Осиёни шунчаки босиб олиш мақсадида эмас, бу ҳудудда азалдан юксак цивилизация ўчоқлари мавжудлигини яхши билиб, уни ўрганишга интилган бўлиши ҳам мумкин. Юнонлар ҳукмронлик қилган даврда шаклланиб, араблар босқинига қадар ўз таъсирини йўқотмаган эллинизм маданияти аслида Шарқ ва Фарб аъёнлари уйғунлашувининг маҳсули ҳисобланади. Шу сабабли ҳам Сурхондарё ҳудудида топилмаган антик давр ёдгорликларини сира иккиланмай миллий санъатимиз тарихи дурдоналари сифатида баҳолаш мумкин.

Термиз археология музейига ташриф буюраётган муҳлислар мисолида маданиятлар мулоқоти бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини кўраемиз. Зиёратчилар орасида дунёнинг турли мамлакатларидан келган



кўплаб сайёҳларни, тадқиқотчи олимларни учратиш мумкин. Улар музей залларини катта қизиқиш билан томоша қилишади, ҳар бир экспонатни суратга олиб, кундалик дафтарларига турли қайдлар ёзишни қанда қилишмайди. Иттифоқ, музейга ташриф буюрган немис зиёратчиларининг бир гуруҳи уларга шерик бўлишимни таклиф қилди. Кўргазма залларининг аксар қисмини кўздан кечиришга улгурган бўлишимга қарамай, қизиқарли суҳбат илинжида таклифга рози бўлдим. Музей бўлимларини биринкетин айланар эканмиз, Кушон маданияти залига етиб келганимизда ҳам-

роҳларим бирдан сукутга толишди. Улар Кушон шаҳзодасининг хайкалини томоша қилишаркан, негадир хайрат билан менга қайта-қайта тикилишарди. Кутилмаганда зиёратчилар орасидаги ёши улғур бир аёл "Агар бошингга учи учқур қалпоқ кийдирилса, Кушон шаҳзодасига қуйиб қўйгандек ўхшайсан", деди хайратини яширолмай. Бундай фарғойиб қиёслашга кутилмаган жавоб қайтардим: "Бунинг ажаблорли жиҳати йўқ. Ахир, у менин аждодим-ку".

Бу сўзларимдан кейин немис сайёҳлари қуйиб юрса керак, деб ўйлагандим. Адашган эканман. Улар жавобини жиддий қабул қилишди ва Кушон шаҳзодаси билан ёнма-ён суратга тушира бошлашди. Аввалига бу ҳолат мени бироз ажаблантирди. Лекин ўйлаб қарасам, шу юрт фарзанди эканидан гурурланувчи, томирида жўш урган аждодлар қонини ҳурмат қилган ҳар бир ёш авлод вакили ўзини минг йиллар муқаддам Марказий Осиёда буюк давлатга асос солишга эришган халқларнинг авлодиман, деб аташга ҳақлидир.

Азиз ИМОМОВ

Журналларни варақлаганда

"ЁШЛИК"

2015 йил, 4-сон

"Ёшлик" журналининг апрел сони янги бежирим либосда — ўзига хос дизайнда чоп этилган. Кўркам безакли муқовадаги таникли мусаввир Акмал Нурнинг асарлари ҳам нашр мазмун-мундариҳасига алоҳида салмоқ бағишлаган.

"Мулоқот" рукида фольклоршунос олим Маматқул Жўраев миллий урф-одатлар, тикланган расм-русм, халқ қўшиқлари, қадриятларимиз ва уларнинг маънавий, тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритади.

Узун тунлар ойларданам уялган,
Аёллари толса севилиб толган,
Қора кўзи бор юракка ишқ солган,
Тоғлардаги жайронидир ўзбекининг.



Гулнора НАСРИЕВА, талаба

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга танлов эълон қилади.

- "Муסיқали, драматик театр ва кино санъати" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик" кафедрасига катта ўқитувчи (1), "Кўғирчоқ театр санъати" кафедрасига ўқитувчи (1), "Вокал" кафедрасига ўқитувчи (1), "Информатика ва табиий фанлар" кафедрасига ўқитувчи (1), "Педагогика ва психология" кафедрасига ўқитувчи (1) "Саҳна ҳаракати" кафедрасига ўқитувчи (1).

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар,

Яланғоч даҳаси, 127- "а" уй.

Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

«MUMTOZ SO'Z» МЧЖ нашриёти

қуйидаги нашрлар учун обуна эълон қилади:

1. АДАБИЁТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ. 1-4 жилд (тузувчи Ҳ.Болтабоев). Атамалар, истилоҳлар, сиймолар, асарлар ва нашрлар (рангли суратлар иловаси билан). Т., 2015. Бир жилднинг ҳажми 50 б.т. Адади 1000.
2. Маҳмуд Қошғарий. ДЕВОНУ ЛУФОТИТ ТУРК. 1-3 жилд (матн), 4 жилд (индекс). Қайта нашрга тайёрловчилар: А.Рустамов, Ҳ.Болтабоев. Т., 2015. Адади 500.
3. Огаҳий. ТўЛА АСАРЛАР ТўПЛАМИ. 1-8 жилд (1 жилд — Девон, 2-6 жилдлар — тарихий асарлар, 7-8 жилд — таржималар). Т., 2014-2016. Адади 500.
4. Ҳ.Болтабоев, М.Маҳмудов. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. 1-3 жилд. Т., 2013-2015. Адади 500.

Обуна расмийлаштирилган, мазкур нашрларнинг биринчи жилдларини қуйидаги манзилдан олиш мумкин:

Тошкент, Навоий кўчаси, 69. «MUMTOZ SO'Z» нашриёти (Адабиёт музейи биносиде). Тел. 241-60-30; (90) 135-85-90.

ХАВФНИ КАМАЙТИРАДИ

Озгина бепарволик оқибатида юз бераётган ёнғин нафақат мол-мулкка, балки инсон саломатлигига ҳам катта зарар етказиши мумкин. Ёнғиннинг олдини олиш ёки уни бартараф қилишда шу соҳа ходимларининг хизматлари катта. Айниқса, ўт ўчириш мосламаларининг доимо шай ҳолатда туриши жуда муҳим. Кейинги пайтларда автоматик ёнғин ўчириш қурилмаларининг биноларга ўрнатилганлиги ёнғин ўчоғи содир бўлган жойни тез ва самарали бартараф этишда катта ёрдам бермоқда. Ушбу замонавий ускуналар касалхона, меҳмонхона, маъмурий бинолар, газлама, тери, ёғоч, бўёқ, қоғоз ишлаб чиқарилган корхоналарда содир бўладиган ёнғинни ўчириш учун мўъжизаланган.

Бутун система сув билан тўлдирилган сувли ускуналар ҳарорат йил давомида 5 даражадан паст бўлмаслиги кафолатланган ҳоналарда қўлланилади. Ҳавони, яъни назорат ишга тушириш бўлимигача бўлган қувурлар сув, қолган қисми эса босим остида ҳаво билан тўлдирилган, иситилмайдиган, ҳарорат 8 ва ундан паст даражада бўлган ҳоналарда қўлланилади. Бундай замон талабига жавоб берадиган замонавий ёнғин ўчириш тизимларининг кенг қўламда қўлланилиши келажақда давлат ва жамият мулкни ҳимоялашда ўзининг ижобий самарасини беради.

Ж.АБДУКАРИМОВ, Миробод тумани ёнғин хавфсизлиги хизмати ходими

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ

Ўзбекистон халқ артисти, давлат муқофоти совриндори, профессор Кўрқмас Мухиддинов ўзбек, рус, англиз, немис ва италян операларида асосий партияларни маромига етказиб ижро этган, ёқимли овози билан муҳлислар юрагидан жой олган санъаткордир.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ольга Александрова шоғирдлари Кўрқмас Мухиддинов хотирасига бағишланган концертни муҳлислар эътиборига ҳавола этди. Дастлаб санъаткор ижросида ёзиб олинган видео ролик намойиш этилди. Сўнгра К.Мухиддинов севиб ижро этган ва тинглардан парчалар, романс ва қўшиқлар қуйланди. "Ниҳол" муқофоти совриндори Абдулла Ширинов, халқро кўрик-танловлар голиблари Раҳим Мирзакамолов, Наталья Сараева, Хусниддин Орифзонов, Марина Полякова, Георгий Дмитриев, Рада Смирных, республика кўрик-танловлари совриндорлари Нурали Эгамбердиев, Султон Абдурахимов ижросидаги машҳур опералардан ария, монолог, каватиналар, шунингдек, романс ва қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Мадина ТУРҒУНБОВА, консерватория талабаси

ҚўШИҚЛАР ТўПЛАМИ

Ўзбекистон давлат консерваториясида таникли шоир ва драматург Хайдар Мухаммаднинг "Катталар ва болалар қўшиқлари" китобининг тақдими бўлиб ўтди. Йиғилганлар янги тўпламдан ўрин олган шеърларга эътибор қаратиш баробарида шоир асарлари асосида яратилган спектакл ва қўшиқлар ҳақида ҳам фикр билдиришди.

Тадбир давомида Тошкент маданият коллежи ўқитувчиси Абдулқадир Қадҳоров Х.Мухаммад шеърларига ёзилган қўшиқларни ижро этди. Гулбахор Мансурова раҳбарлигидаги болалар ансамбли томонидан ижро этилган жамоавий қўшиқлар тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

Дилдора КОМИЛОВА, талаба

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМИЙ:
"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ"
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилимиз:
info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожиiddин
САЙИД

Тахриратга келган кўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайдими.
Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Босмаҳона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.56

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6112 Буюртма Г — 557. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОЎГУДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

9 772181 614000